

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Андижон давлат университети
Хорижий тиллар факультети
Магистратура бўлими**

Кўлёзма ҳукукида

Ибрагимова Гуллола

ГРАММАТИК НОРМА ВА УНИНГ НУТҚДАГИ ЎРНИ

Ихтисослик - 5A111401 – Хорижий тиллар (Инглиз тили)

Филология магистри академик даражасини олиш учун тайёрланган
диссертация

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга кўйилди
Кафедра мудири
Доц. Абдувалиев М.А.
«----» ----- 2014 й.

Илмий раҳбар:
филология фанлари номзоди
Умрзақов Т.Б.

Андижон - 2014

Мундарижа

Кириш.

I - боб. Ҳозирги замон тилшунослигида норма ва нутқ фаолияти тушунчалари

- 1.1. Нутқий мулоқот имконияти ва нормадан чекиниш механизми.
- 1.2. Нутқда фонетик нормадан чекинишнинг хусусиятлари.
- 1.3. Нутқда лексик нормага оид чекинишлар.

I - боб бўйича хулосалар.

II - боб. Нутқда грамматик нормадан чекиниш ҳолларининг структуравий таҳлили.

- 2.1. Нутқда морфологик нормадан чекинишлар.
- 2.2. Нутқда синтактик нормадан чекинишлар.
- 2.3. Экспрессивликнинг инверсия орқали ифодаланишида нормадан чекиниш ҳоллари.

II - боб бўйича хулосалар

III. Грамматик нормадан чекиниш ҳолатларининг функционал таҳлили.

- 3.1. Диалогларда нормадан оғиш ҳолларининг табиати.
- 3.2. Нутқда гапни лексик жиҳатдан тўлдиришда нормадан чекинишлар.

III –боб бўйича хулосалар.

Умумий хулосалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

К и р и ш

Жамият ўз тараққиётини таъминлаш учун ҳамма даврда илм-фанни ривожлантириш ва унинг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга эътибор бериб келади. Буни мустақил Ўзбекистонда илм-фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини жадал олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилишида кўриш мумкин. Бу масала мамлакатимизда давлат миқёсида эътиборга молик бўлган масалалар қаторидан жой олган¹. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» деб аталган тарихий ҳужжатда Республика илмий жамоати олдига «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали бажариш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш» вазифаси кўйилди¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Илмий - тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (2002 йил 20 февраль), Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий - тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2002 йил 4 март) ҳамда Республика Фанлар Академиясининг 60 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда илм-фанни, шу жумладан тил ҳақидаги фан - тилшуносликни ҳам ривожлантиришда муҳим роль ўйнамокда. Президентнинг мазкур фармонида мамлакатимиз илмий салоҳиятини ошириш ва илмий – тадқиқотда янги ёндашувларга ўтиш, илм-фанда ечилмай турган муаммоларни илмий-тадқиқот объекти қилиб олиш муҳим аҳамиятга молик масала сифатида алоҳида таъкидланган.

¹ Қаранг: «Илмий - тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 20 февраль.:

Шуни қониқиш билан қайд этиш лозимки, мустақиллик туфайли жаҳонга юз тутган Ўзбекистонимизда хорижий тилларни ўрганишга, ўргатишга ва уларнинг муаммоларини илмий–тадқиқ этишга эътибор кучайди. Айниқса бу борада мухтарам президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилган “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этади². Бу бежис эмас, албатта. Жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик ва ҳамжихатликда ўзининг буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни билиш ва улар ҳақидаги билимларни эгаллаш катта аҳамият касб этмокда.

И. А. Каримов ўзининг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган асарида ёшларни «чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириши учун тўла имконият яратиб беришимиз даркор», деб биз чет тиллари мутахассислари олдида жиддий вазифаларни қўйди.

Ҳозирги вақтда хорижий тил муаммоларини она тилимиз бўлмиш ўзбек тили масалалари билан қиёсий ўрганиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Хорижий тиллар бўйича дарсликлар ва қўлланмалар яратилмокда. Аммо хорижий тиллар билан ўзбек ёки бошқа тил муаммоларига бағишланган қиёсий тадқиқотлар етарлича олиб бориляпти деб бўлмайди. Шу сабали мазкур тадқиқот қўйилган масалалани маълум даражада ижобий ҳал қилиш ишига мунлсиб ҳисса бўлади, деган умиддамиз.

² Қаранг: “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси президентининг қарори. 2012й. 10 декабрь. “Халқ сўзи” газетаси, 2012 й. 11 декабрь.; И.А. Каримов. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш –ёру келажагимизнинг асосий омилидир. Т., “Ўзбекистон”, 2013, 31-32 бетлар.

Албатта, ҳар қандай фаннинг у ёки бу муаммосини тадқиқ этишда унинг тарихи ҳам илмий назардан ўтказилиши лозим. Чунки тадқиқ этилаётган муаммонинг тарихини ўрганмай туриб, унинг ҳозирги ҳолати - моҳиятини илмий таҳлил қилиш мумкин эмас.

Юқорида таъкидланган талаб ва эҳтиёжларга асосан И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Баркамол авлод - Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори» ва бошқа асарларида ҳам илм-фанни ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини илмий таҳлил этиш тўғрисида айтилган ижтимоий ва фалсафий ғоялари, шунингдек тилшуносликнинг етакчи мутахассисларидан Ф.Брюно, В.В.Виноградов, В.Г. Гак, В.З. Панфилов, Ю.С. Степанов, А.В. Бондарко ва В.В. Кордиларнинг назарий мулоҳазалари тадқиқотимизнинг методологик асоси қилиб олинди. И.А.Каримовнинг «Жамиятда, унинг тараққиётида ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Улар одамнинг ақлий камолотга эришувида катта таъсир кучига эга» деган сўзларини тил ва у ҳақдаги фан - тилшуносликка нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Табиийки, тил система, норма ва узус (тилдан амалий фойдаланиш) масалаларининг таҳлил қилиниши ва тил системасининг турли қатламларида нормадан чекиниш ҳолатларини таҳлил қилиш, тил тарихий тараққиёти умумий ва хусусий қонунларни билиб олиш имконини беради. Шунини ҳисобга олган ҳолда тил грамматик нормасидан чекиниш ҳолатларининг пайдо бўлиши, унинг табиати, ривожланиш хусусиятлари билан алоқадор масалаларни бевосита тадқиқ қилишни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик.

Шу жиҳатдан ушбу илмий-тадқиқот ишида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилинди:

1. Системавий тилшунослик нуқтаи назаридан тил нормасининг табиатини ўрганиб чиқиш;

2. Ҳозирги замон тилшунослигида система, норма, узус ва нутқ акти тушунчаларнинг талқинини бериш;
3. Нутқий мулоқот имконияти ва нормадан чекинишлар механизмининг тилшуносликдаги таҳлили масаласини кўриб чиқиш;
4. Экспрессивликни инверсия орқали ифодалашда нормадан чекиниш ҳолатини атрофлича ўрганиб чиқиш;
5. Нутқий мулоқотнинг диалог турида нормадан оғиш ҳолатининг табиатини илмий нуқтаи-назардан ўрганиб чиқиш;
6. Нутқда гапнинг лексик жиҳатдан тўлдиришда нормадан чекинишларнинг лингвистик табиатини очиб бериш;
7. Нутқ нормасидан оғишнинг структуравий хусусиятларини таҳлил қилиш;
8. Нутқ нормасидан оғиш ҳолатларининг коммуникатив вазифасини, унинг лексик-семантик хусусиятини эътиборга олиб, турли контекстларда бундай ҳолатларнинг бажарадиган вазифаларидаги фарқларини изоҳлаб бериш;

Қўйилган ушбу вазифалар ишнинг таҳлил услуби ва баён қилиш тартибини белгилаб берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, турли тил сатҳларига оид бўлган ҳодисаларни таққослаш «генетик жиҳатдан узок бўлган тиллар қиёсланганда ва тил тизимидаги сатҳлараро синонимлар белгиланганда, ҳамда қиёсланадиган тиллар тизими сатҳларининг ўзаро муносабати ўрганилганда, ўзини оқлайди» (Бўронов, 1983:5). Шу сабабли тил нормасининг коммуникатив вазифаси мавжудлиги, нутқда предмет кўрсатилиши шартлилиги муносабати билан ушбу ишда бевосита алоқадорлигининг турли хилларини фарқлашда бевосита кузатиш усулидан фойдаланилди. Шунингдек, илмий-тадқиқотда гапларни

трансформацион ўзгартириш, матн таҳлили ва бошқа услублардан ҳам фойдаланилди.

Диссертация мазмунини баён қилиш қуйидаги режа асосида амалга оширилди:

биринчи бобда ушбу муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида кўриб чиқиши лозим бўлган масалалар баён этилади;

иккинчи бобда тил нормаси назариясининг ҳозирги аҳволи танқидий нуқтаи назардан ўрганилиши ўз ифодасини топган. Шунингдек, бу бобда нутқни грамматик жиҳатдан расмийлаштиришда иштирок этадиган воситалар аниқланади, коммуникатив функциясига кўра уларнинг асосий фаоллаштирувчи ва тавсифловчи вазифалари очиб берилади;

учинчи бобда грамматик нормадан чекнинг ҳолларининг диалоглардаги кўринишлари, шунингдек, нутқда гапни лексик жиҳатдан тўлдиришда нормадан чекиниш ҳолаблари таҳлили қилинади.лар.

Тадқиқот материали. Тадқиқот учун инглиз ёзувчилари асарларидан танлаб олинган 3000дан ортиқ гап асосий манба бўлиб хизмат қилди. Тўпланган мисоллар нормадан оғишнинг ҳамма турларини ўз ичига олади.

Тадқиқотда ечимини топган қуйидаги мулоҳазалар муҳокамага қўйилади:

1) Тилда ўрнатилган нормадан чекиниш айрим нутқ турларига хос бўлиб, нутқнинг бу турлари услублар деб аталади. Услуб – гапирувчи ёхуд ёзувчининг ифодаланаётган фикрга, хабарга, воқеа - ҳодисага, шахс ёки предметга, шахсий ёки бошқа бир шахснинг (ёки предметнинг) муносабати; жумлада ифодаланган субъектив фикри бўлганлиги учун нормадан чекиниш ҳолатларининг учраши табиийдир;

2) Тил нормаларидан чекиниш ҳолатларини кўп ёки озлиги, тилнинг функционал услуб турлари, адабий тилнинг қанчалик кенг

доирада қўлланилишига, унинг ишланганлик даражаси ва мукамаллигига боғлиқ;

3) Тил грамматик нормасидан чекиниш асосан феъл ва қисман от сўз туркумида кузатилади. От сўз туркумида кузатиладиган чекинишлар сифатида асосан отлардаги сон категорияси ва келишик категориясининг қўлланишида кузатилади;

4) Инглиз тили грамматик нормасидан чекинишлар феъл сўз туркуми соҳасида айниқса кенг кузатилади. Булар қаторига, феъл асосий шаклларни яшашда, шахс-сонда тусланишининг бузилишида, ўтган замон шаклларининг ясалишида, сифатдош II шаклларининг ясалишида, нотўғри феъллар шаклларининг ясалишида, перфект шаклларининг ёрдамчи феъл билан ишлатилишида, модал феълларнинг иккиланишида, бир галда иккита инкор шаклларининг ишлатилишида кузатилади;

5) Тил грамматик нормаларидан чекиниш олмошларнинг ясалишида ва ишлатилишида ҳам кўзга ташланади;

6) Тил нормасининг бузилиши синтактик қатламда ҳам кузатилади. Бунда гапда сўз тартибининг бузилиш ҳоллари кузатилади ва гап бўлаклари комбинаторикаси (сўзларнинг ўзаро боғланиши) да ўзгаришлар содир бўлади;

7) Тил нормасидан чекинишлар норасмий сўзлашув нутқ намуналарида кўпроқ кузатилади.

8) Тил нормасидан чекинишлар одатда чаласавод, саводсиз ёки яхши таълим олмаган шахслар нутқида кузатилади;

Мазкур диссертациянинг назарий аҳамияти шундаки, бу ерда инглиз тили системаси, нормаси ва унинг масалалари, тил нормасидан чекиниш ҳолатларининг табиати каби масалаларини атрофлича ёритиб берилди-ки, бу нарса тилнинг қўлланиши масалалари, тил системасининг

ривожланиши масалаларини ёритишда кўп тушунчаларни ойдинлаштириб бериши табиийдир.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, бу тадқиқотнинг материали, унинг хулосалари ва берилган тавсиялари инглиз тили ва адабиёти ва таржимонлик бўлими талабалари, магистрантлари, аспирант ва ёш ўқитувчиларга умумий тилшунослик, назарий грамматика, стилистика назарий курсларини ҳамда амалий грамматика, оғзаки нутк амалиёти дарсларида амалий жиҳатдан фойдали бўлиши мумкин.

Ишнинг илмий янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги тил нормаларининг нутқда бузилиши ҳодисасининг мустақил коммуникатив бўлаги сифатида талқин қилиниши ҳамда унинг маъно ва функционал хусусиятлари шаклланишининг нутқий фаолият вазияти билан боғлиқ ҳолда ўрганилишидир. Коммуникатив тилшуносликнинг мустақил йўналиши бўлган тил нормаси назарияси тил бирликларининг мулоқот жараёнида қўлланиш хусусиятларини таҳлил қилишга асосланади (Ашурова Д.У. (2003), Расулова М.И. (2002)).

Диссертация материали. Ушбу диссертацияга материал бўлиб диссертация, монография, мақола, тезислар, бадиий адабиётлардан олинган 2500 га яқин мисол, ҳамда интернет тизимидан олинган манбалар хизмат қилди.

Ишнинг илмий жамоа синовидан ўтказилиши. Диссертация мавзуси Андижон давлат универси Инглиз тили ва адабиёти кафедраси мажлисида муҳокама қилинган. Ишнинг натижалари ва тавсиялари университетнинг анъанавий илмий семинар ва илмий-амалий конференцияларида, шунингдек “Илмий хабарлар” илмий мақолалар тўплами саҳифаларида мухлислар эътиборига ҳавола қилинган.

Диссертациянинг тузилиши.

Мазкур тадқиқот кириш, 3та боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг танланиш сабаби, тадқиқот учун танланган муаммонинг долзарблиги ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари белгиланган ҳамда эришилган натижаларининг янгилиги, улардан назариёт ва амалиётда фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган.

Биринчи бобда нутқда тил нормаларининг бузилишини функционал хусусиятларини ўрганиш муаммосинин юзага келиши, унинг умумлингвистик моҳияти, назарий ва амалий мақсади, тил нормаси бузилишининг турли тил қатламларида кузатилиши ўрганилган. Тадқиқотнинг асосий таҳлил йўналиши, услубий воситалари белгилаб олинган.

Иккинчи бобда нутқий мулоқот жараёнининг умумий хусусиятлари, экспрессивликнинг инверсия орқали фойдаланишида, диалогларда, шунингдек, гапни лексик жиҳатдан тўлдиришда нормадан чекиниш ҳолатлари таҳлил қилинган ҳамда нутқ нормасидан оғишнинг структуравий хусусиятлари очиб берилган.

Учинчи бобда

Тадқиқотнинг хулоса қисмида бажарилган илмий тадқиқотнинг натижалари умумлаштирилиб, бўлажак изланишлар истиқболи режалаштирилган.

I - боб. Ҳозирги замон тилшунослигида норма ва нутқ фаолияти тушунчалари

1.1. Нутқий мулоқот имконияти ва нормадан чекиниш механизми.

Вербал коммуникация (оғзаки нутқ мулоқоти) да тил бирликлари мазмунни ифодаловчи восита сифатида муҳим ўрин тутди. Коммуникатив тилшунослик эса тилга динамик система сифатида ёндошади.[14] Тил коммуникатив система сифатида реаллашади, коммуникация жараёни эса сўзловчи ва тингловчи бирлигини талаб этади. Сўзловчилар ўртасидаги вербал коммуникация тўлиқ бўлиши учун сўзловчи нутқий тузилишдаги мазмунни тингловчига аниқ ва тўлиқ етказиш имконини қидиради. Бирок ҳар қандай вербал ифода мазмуни тузилишини тингловчига тўлиқ ва мукамал етказиш учун етарли бўлмайди.

Ахборот тўғри тушунилиши учун сўзловчининг тил ҳақидаги билимидан ташқари тингловчиларнинг олам ҳақидаги билими, сўзлаш жараёнида сўзлашувчиларнинг руҳияти ҳақидаги билими ва бошқа билимларни кўшиш керак бўлади. Ахборотни тушуниш жараёнида юқоридаги билимларнинг барчаси баробар хизмат қилади. Шунинг учун фақат бу билимларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олгандагина, биз нутқий жараённинг моҳиятини англашга яқинлашган бўламиз [23; 29]. Шу маънода вербал коммуникатив муносабат муаммоси бир жихати билан тилшуносликка, бошқа жихати билан эса психологияга алоқадордир. Вербал коммуникациянинг икки томонлама хусусиятга эга эканлигини эътиборга олсак, нутққа психолингвистик тадқиқот объекти сифатида ёндошиш тўғри бўлади.


Тил мулоқот жараёнида коммуникатив ва билиш воситаси сифатида вазифа бажаради. Аммо сўзлашувчиларнинг мақсадидан келиб чиқиб, тил ўзининг асосий функциясидан ташқари, эмотив, поэтик, фактик металингвистик вазифаларни ҳам намоён қилади. Нутқий коммуникация учун тилнинг коммуникатив, билиш воситаси сифатидаги вазифаси асосий ҳисобланади. Бу икки вазифанинг тўлиқ бўлишида сўзловчи ва тингловчи фактори муҳимдир. Шунинг учун тилга сўзловчи ва тингловчи томонидан, шунчаки тингловчи эмас, унга нима гапирилаётганини тўғри аниқловчи сифатида ёндошиш зарур. Бу омилларнинг барини коммуникатив имконият тушунчаси остида бирлаштириш мумкин.

Коммуникатив имконият ахборот мазмуни, тил билими, нутқ малакаси ва новербал фактор кабилардан иборат бўлиб, уни тадқиқ қилиш учун ташкил этувчиларнинг барчасини ўрганиб чиқиш зарур.

Ахборот мазмуни сўзловчи ниятини, мақсадини ўз ичига олади ва у нутқнинг мазмуний структурасини белгилайди. Нутқнинг мазмуний структураси нима ҳақида гапирилишини (нутқ предмети), нега айнан шу ҳақида гапирилишини (нутқ мазмуни), нима учун гапирилиши (мотив), кимга гапирилиши айтилганлардан қандай хулоса чиқарилиши кабиларни ўз ичига олади.

Мазмун, маъно лексемалардагина юзага чиқмайди. У тил ва нутқгача бўлган жараёнда шакллана бошлайди. Аммо бу жараён лингвистиканинг ўрганиш объекти бўла олмайди. Агар у лингвистиканинг ўрганиш объекти бўлса, тил ва нутқ birlikларига муносабати қандай?

Жадвал 1



Мазмун ва маънонинг шаклланиш жараёни ички нутқ сифатида кўринади. Бунда сўзловчи ва тингловчи синкрет ҳолатда бўлади. Бу психофизиологик жараёнда кодлаш ва дикодлаш ўзига хос намоён бўлади. Бунда сўзловчи (кодловчи), тингловчи (дикодловчи), код (тил) унлиги мавжуд бўлса ҳам, кодловчи ва дикодловчи ягона шахсни ташкил этади ва ахборот мазмуни коммуникатив имкониятнинг қолган ташкил этувчиларсиз (нутқ малакаси ва новербал восита) тўлиқ ва мукамал шаклланади. Аммо тил (код) бу жараённинг Тўла ҳуқуқи тишқил этувчиси сифатида иштирок этади. Чунки тил билимига эга бўлмаслик учун ички нутқини ҳам йўққа чиқаради. Нутқнинг мазмуний структурасини ташкил этувчилардан нутқ предмети, нутқ мазмуни, мотив сақланади, аммо кимга гапирилиши ва айтилганлардан қандай ҳулоса чиқарилиши кабилар шарти бўлади.

Демак, ички нутқнинг шаклланишида тил ташкил этувчи сифатида қаралар экан, коммуникатив имкониятни бир қисми саналган ахборот мазмуни лингвистиканинг ўрганиш объекти бўла олади. Чунки, мазмун тил ва нутқгача бўлган «жараёнда шакланса ҳам»[14], унинг шаклланиши тил билимисиз юзага келмайди. Шунингдек, у психофизиологик жараён сифатида психологиянинг ҳам ўрганиш объектидир. Бу икки ҳодиса ўзаро бирликни ташкил этганлиги учун ҳам у психолингвистик тадқиқот объектидир.

Тил билими сўзловчининг ахборот узатилаётган тилнинг фонетик, морфологик, грамматик сатҳдан тўла хабардорлиги ва уларнинг амал қилиш қонунларини эгаллаганлик даражаси билан белгиланади. Тил билими гап тузиш учун зарур бўлган билимдир, аммо бу масаланинг бир қаноти, бунда тушуниш назарда тутилгандир [16]. Мана шу ҳол коммуникатив имкониятнинг асосини ташкил этади. Гарчи ахборот мазмуни коммуникатив имкониятнинг биринчи ташкил этувчиси ҳисобланса ҳам, у тил билимисиз реаллашмайди, чунки, «мазмун ўзини

маълум шаклда намоён қилади»³. Демак, тил билими коммуникатив имкониятнинг асосини ташкил этади. Бу ҳол, айниқса, ўзга тил вакили билан бўлган мулоқотда аниқ сезилади. Бунда тил билимига эга бўлмаслик, коммуникатив имкониятни йўққа чиқаради.

Нутқ малакаси сўзловчи тил билимнинг асосини ташкил этувчи қонун – қоидалардан фойдалана олиш даражаси демакдир.

Шу маънода нутқ малакаси тил билими устига қурилади ва ахборот мазмунини беришгина эмас, балки тўла ва мукамал ифодалаш даражаси билан белгиланади. Сўзловчи нутқ малакасига эга бўлмаса ҳам, ахборот мазмунини шаклланаверади ва реаллашади, аммо унинг аниқлик даражасига путур этади, яъни нутқ малакасига эга бўлмаслик прагматик тўсиқни юзага келтиради. Нутқ вазияти, сўзлашувчиларнинг ижтимоий билими, нутқий, актдаги ҳолати, руҳий ҳолати, паралингвистик воситалар новербал факторни ташкил этади.

Вазият – бу осойишталикнинг барқарор марказидир. Шу маънода коммуникатив имкониятни белгилашда нутқий вазият ҳам ўзига хос вазифа бажаради. Нутқий вазиятнинг барқарор ҳолатдан чиқиши коммуникатив имконият чегарасини торайтириш ва тилнинг биринчи вазифаси бўлмиш коммуникатив ва билиш воситаси сифатида функцияга путур еткази, натижада ахборотнинг тўлиқлиги ва мукамаллиги йўқолади.

Барқарор нутқий вазиятда сўзлашувчилар ўртасидаги ахборот узатиш, уни қабул қилиш тенглашади: ахборот мазмуни мукамал вақтда тўлиқ етиб боради. Коммуникатив актнинг тўлиқ ва мукамал бўлишида сўзлашувчиларнинг ижтимоий билим даражаси тенг келиши зарур. Ижтимоий билимларнинг нотенглиги тилнинг гносеологик вазифасини хиралаштиради, нутқнинг системалиги бузилади. Натижада

³ Ярцева В. Н. Типология языков и проблема универсалин. ВЯ, 1976. №2. С.8

сўзловчи ахборот мазмунини ташкил этувчилар (нутқ предмети, нутқ объекти, мотив)ни чалкаштириб юборади.

Нутқий актда сўзлашувчилар ижтимоий ҳолатининг ўрни ҳам сезиларли бўлади. Бунда сўзловчи ижтимоий мавқеининг баландлиги нутқни тўла шакллантириш учун руҳий асос бўлади ва коммуникатив имкониятини кучайтирувчи восита вазифасини бажаради: гап тўлик ва мукамал шаклланади, оҳангнинг тасирчанлик даражаси юқори бўлади.

Сўзловчининг тингловчидан ижтимоий мавқеи жиҳатдан пастлиги нутқнинг тўла ва аниқ реаллашувига тўсиқ бўлади. Бу ҳол эса узук – юлуқлик келтириб чиқарувчи тутамни юзага келтиради: ахборот мазмуни (нутқ предмети, нутқ мазмуни, мотив) хиралашади. Натижада коммуникатив имконият даражаси пасаяди.

Инсоннинг биринчи сигнал системаси (одамнинг сезги аъзолари) иккинчи сигнал системасидан олдин ривожланади. Чунки, «Иккинчи сигнал системаси меҳнат фаолияти туфайли биринчи сигнал ситемаси асосида тарихан таркиб топган».

Инсоннинг иккинчи сигнал системасининг ривожланиши билан боғлиқ нутқий жараёнда ҳам бу ҳол кузатилади. Чунки нутқ ҳам биринчи сигнал система восититаси (эшитиш аъзоси)да қабул қилинади ва иккинчи сигнал системасига узатилади, натижада маълум реакция уйғонади. Бу жараёнда вербал воситалардан ташқари новербал факторлар ҳам муҳим ўрин тутаяди, айниқса паралингвистик воситалар нутқ мазмунини англашга таъсир этади. Чунки, «паралингвистик воситалар: биринчидан, нутқни ихчамлаштиради, иккинчидан эса нутқни компенсациялаш функциясини бажаради», учинчидан, тингловчини ахборот қабул қилишга тайёрлайди ва нутқ мазмуни ҳақида дастлабки сигнални беради, тингловчи паралингвистик воситалар ёрдамида сўзловчи ҳолати ва мақсадини ҳис қилади.

Вербал коммуникациягача бўлган жараён сўзловчи муносабатини кўрсатади шунингдек, тингловчини нутқ мазмунига тайёрлайди ҳамда нутқ мазмуни ва сўзловчи мақсад ҳақида сигнал берди. Бу эса коммуникатив имкониятнинг тўла ва мукамал бўлишига хизмат қилади.

Хуллас коммуникатив имконият тушунчаси тилнинг биринчи вазифаси – коммуникатив билиш воситаси сифатидаги функциянинг тўла намоён бўлиш билан боғлиқ бўлиб, у ахборот мазмунини тил билими, нутқ малакаси, новербал фактор кабиларга асосланади.

Буларнинг барини яхлит ҳолда тадқиқ қилиш нутқда информация бериш учун тил бирликларидан ташқари бошқа воситалар ҳам хизмат қилишни кўрсатади. Шунинг учун уларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш ахборот узатишнинг оптимал усуларини топиш имконини яратади, шунингдек, чет тилларни ўрганиш, бошқа тил вакилларига тилни ўргатиш, суд – тергов жараёнларида объектив маълумот олишда мактаблар учун методик қўлланмалар яратишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Нормадан чекиниш ҳолатларини қуйидаги турга бўлиши мумкин.

- 1) лексик норманинг бузилиши (ногўғри сўз танланиши)
- 2) фонетик норма (талаффуз нормаси)сининг бузилиши
- 3) грамматик норманинг бузилиши (сўзнинг номақбул шаклда қўллаш)
- 4) стилистик норманинг бузилиши (услубдан ноўрин фойдаланиш)
- 5) орфографик норманинг бузилиши (сўз ёзилиши қондасига риоя қилмаслик)

Лекин, кўп ҳолатларда улар икки шаклда бўлмай бир неча тури биргаликда келиши мумкин. Шунинг учун биз уларнинг ҳар бир турига мисол келтирмаймизда, умумий тарзда келтирамыз.

- 1) Th [θ] ўрнига t[t] ишлатилади
- 2) break ўрнига bre`k ишлатилади
- 3) pot ўрнига pat ишлатилади
- 4) shake ўрнига shek ишлатилади
- 5) same ўрнига sem ишлатилади
- 6) weather ўрнига weder ишлатилади
- 7) mouth ўрнига mouf ишлатилади
- 8) tooth ўрнига toof ишлатилади
- 9) through ўрнига troo ишлатилади
- 10) nothing ўрнига nutting ишлатилади
- 11) drive ўрнига drife ишлатилади
- 12) live ўрнига lif ишлатилади
- 13) young ўрнига yung [juŋ] ишлатилади
- 14) he doesn`т ўрнига he don`t ишлатилади
- 15) i say ўрнига says I ишлатилади
- 16) curse ўрнига cuss ишлатилади
- 17) pretty ўрнига purty ишлатилади
- 18) becouse ўрнига bekase ишлатилади
- 19) asked ўрнига ast ишлатилади
- 20) I saw ўрнига I seen ишлатилади
- 21) I took ўрнига I taken ишлатилади
- 22) I knew ўрнига I knowd ишлатилади
- 23) Join ўрнига jine ишлатилади
- 24) Spoil ўрнига spile ишлатилади
- 25) Always ўрнига allers ишлатилади

Буларнинг барчаси турли ижтимоий синфларга мансуб саводхонлик даражаси турлига бўлган сўзловчилар томонидан турли нутқ актларидан турли пайтларда қўлланилади. Мазкур диссертацияда мана шу ва бошқа чекинишларнинг структуравий, синтактик ва функционал жиҳатдан эга бўлган хусусиятларини атрофлича ўрганиб чиқамиз.

1.2. Нутқда фонетик нормадан чекинишларнинг хусусиятлари

Оғзаки сўзлашув нутқи ғоят мураккаб ижтимоий ҳодиса. Биз бу нутқдан фикрий аниқлаштириш, ҳис – туйғуларни ифодалаш, маълум мақсад ва муддаони тушунтириш учун, шунингдек суҳбатдошимизда ҳам ҳис-туйғу уйғотиш, ўз иродасини билдириш ва бошқа кишилар иродасига таъсир этиш учун фойдаланамиз. Оғзаки нутқ бир киши томонидан айтилади, иккинчи киши томонидан қабул қилинади. Нутқ тил воситасида алоқа қилиш процессидир, бошқача айтганда, нутқ тилнинг бевосита воқе бўлишидир. Тил оғзаки нутқ шаклида амалда йиқиланилади. У оғзаки нутқ орқали ўзгаради ва ривожланади.

Нутқ тилнинг бевосита фаолиятидир. Айтиш вақтида нутқ тилга тенг эмас. Тил алоқа – аралашув воситасидир. Бирор тилда гаплашадиган кишиларнинг нутқи бир – биридан фарқ қилиши мумкин ва одатда фарқ қилади ҳам. Айрим кишилар нутқида ҳамيشа қандайдир фонетик, лексик, баъзан грамматик хусусиятлар пайдо бўлиб туради. Бу хусусиятлардан баъзи бирлари аста – секин шу тилга кириб боради, бошқалари эса маълум бир тил тараққиётининг умумий йулига зид бўлганлиги учун ўз – ўзидан йўқ бўлиб кетади. Тилнинг шу тилда гапирувчи кишилар нутқида узок вақт ишлатилмаган элементлари архаизмга айланиб қолади.

Тилни фақат оғзаки ва ёзма нутқ орқали ўрганиш мумкин, нутқ маълум тил тараққиётининг объектив қонунларини топиши ва аниқлаши мумкин. Бу ҳол тил товуш хусусиятларини ўрганишга, жумладан тил товуш состави, сўзнинг товуш структураси, товушларнинг бирикиши, урғу, интонацияни ўрганишга тамомила тааллуқлидир. Тилнинг товуш хусусиятлари нутқда содир бўлади. Шунинг учун ҳам хусусиятлар нутқ орқали ва нутқда ўрганилиши лозим. Демак, нутқ қоидаларини қанчалик пухта ўзлаштирган бўлсак, тил қонуниятларини шунчалик чуқур билиб борамиз ва таърифларни ўз амалий фаолиятимизда қўллаб борамиз. Кейинги пайтларда мутахассислар ҳам бу муҳим соҳага катта эътибор бера бошладилар.

Оғзаки сўзлашув нутқининг кўзга ташланадиган томонларидан бири бу сўзловчининг ташриф қоғози бўлган – талаффуздир. Сўзлашув нутқи талаффузни маълум қоидалар асосида онгли бошқаришни талаб этади. Сўзлашув нутқида сўзловчидан қуйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратишга чорлайди.

1. Унлилар талаффузи. Инглиз тилида унлилар урғули бўғинда аниқ талаффуз қилинади, урғусиз бўғинда эса бир оз қисқаради, айниқса жарангсиз ундошлар ўртасида келган урғусиз [i], [u] унли товушлари ноаниқ талаффуз этилади. М.: *Carpet*

2. Ундошлар талаффузи. Инглиз тилида сўз бошида ва сўз ўртасида келган ундошлар аниқ талаффуз қилинади, сўз охирида ҳам у кучсизланмайди. Ўзбек тилида сўз охирида келган жарангли ундошлар жарангсиз ундошларга ўхшаб талаффуз, жарангли ундошлар (б, д, г, з) ўрнида (п, т, к, с) қўлланилади. Жарангсиз ундошдан кейин келган жарангли ундош ҳам жарангсизланади. Бир бўғинли сўзларнинг охиридаги Қ ва К товушлари эгалик қўшимчаларини олганда ҳам жарангсиз айтилади, лекин икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда жаранглига айланади: юрак – юраги, ўртоқ – ўртоғи.

Сўзлашув нутқида кўш ундошлар чўзиқ ва кучли талаффуз этилади. Бир вақтлар араб тилидан кириб келиб, ўзлашиб кетган сўзларнинг талаффузида ўзбек адабий тили қонунига мойиллик сезилади: ақл, шакл, расм, фикрга ўхшаш сўзлар икки бўғинли сўз каби талаффуз қилинади.


Умуман нутқнинг аниқ ва равон бўлишишига эришишда товушларнинг тўғри талаффузига, сўз урғусини ўз ўрнида қўллашга эътибор бериш лозим.

Нутқ товушлари талаффузининг аниқлиги билан бирга дикциянинг равонлиги нутқ учун муҳим бўлиб, тинговчининг тушунишини осонлаштиради.


3.Интонация. Интонация хусусиятлари воқелик ёки контекст орқали аниқланади ва гапнинг лексик состави ҳамда грамматик қурилиши билан биргаликда содир бўлади. Интонация алоқа – аралашувининг муайян, конкрет шароитларида гапда айтилган фикрнинг тугалланганлигини билдиради. У кишиларнинг алоқа – аралашуви жараёнидаги эмоционал ирода муносабатларини ҳам ифода этади.


Интонация гапнинг коммуникатив типларини ва турларини фарқлайди. Гапнинг коммуникатив маъноси жуда умумий тарздадир. Гап асосан тўрт хил коммуникатив йул билан ифодаланади: дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов. Одатда гап ва интонациянинг коммуникатив типлари ана шунга қараб фарқланади. Уларнинг бу турлари фонетик тажрибалар орқали аста – секин билиб олинади ва у бирорта ҳикоя, сўроқ, тилак ёки ундовнинг бир хил тури сифатида идрок қилинади. Масалан, ҳикояда биз ўз ҳикоямиз, хабаримиз ва санашимизнинг интонациясини фарқлаймиз. Нутқий интонация идрок қилинар экан нутқнинг даврларга, даврларни жумлаларга, жумлаларнинг синтагма деб аталадиган маъноли бўлақларга бўлинишини кузатамиз.

Жадвал №1.



Жадвал №2.






Шунингдек, сўзлашув нутқининг тезлашуви ёки секинлашувини, бошқача айтганда унинг темпини идрок этамиз.


Жадвал №3.



Худди шундай йўллар билан сўроқ гап турлари аниқланади.

Жадвал №4.





Турли тиллар ўта содда интонацион яқин ўхшашлик овознинг эмоционал тембр нозиклигида кўринади. Интонация сўзловчининг ҳис ва иродасининг энг нафис жиҳатларини акс эттиради.

Сўзлашув нутқи интонацияси грамматика билан узвий боғлиқ бўлиб коммуникатив, синтактик, мантиқий, мадал ва бошқа функцияларни бажаради. Интонация нутқнинг стилистик хусусиятларини фарқлаш воситаларидандир, яъни тилда орфоэпик жиҳатдан тўғри нутқни ажратиб кўрсатади.

Сўзлашув нутқида интонация синтактик воситалар билан ўзаро муносабатда яшайди, бир – бирини тўлдиради ва бир – бирини ўрнини босади. Интонация кўпинча жумла маъноларини англатади бирдан – бир восата бўлиб хизмат қилади.

Гап грамматик воситалар билан ифодаланган чоғда ҳам интонация ўша гапни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Афтидан, инглиз сўзлашув нутқининг интонацияси жуда бой, шунинг учун гапнинг коммуникатив турлари муваффақиятли фойдаланиш қаерда, кимга, нима тўғрисида кетаётганда ҳар бир интонацион моделни конкрет нутқий шароитга мослашини талаб этади.

1.3. Нутқда лексик нормадан чекиниш ҳоллари.

Юқорида зикр этилганидек, оғзаки сўзлашув нутқини амалга ошириш ва сўзловчи ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш жараёнида хизмат қиладиган бир қанча фонетик, грамматик, лексик характердаги воситалар мавжуд бўлиб, улар орасида лексик воситалар муҳимроқаҳамият кашф этишига шубҳа йўқ. Чунки сўзловчи ифодаламоқчи фикрини айнан танланган сўзларнинг лексик маънолари орқали ифодалаш пайида бўлади. Сўзлардан муваффақиятли фойдаланиш предмет, тушунча ва сўзнинг бир–бирига бўлган алоқаси ва муносабатини аниқ белгилаб олишни тақозо этади. Бу борадаги кескин чекинишлар сўзлашув нутқи иштирокчилари ўртасида англашилмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Нутқда лексик чекинишларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- *same* ўрнига *sem* ишлатилади
- *weather* ўрнига *weder* ишлатилади
- *mouth* ўрнига *mouf* ишлатилади
- *tooth* ўрнига *toof* ишлатилади
- *through* рнига *troo* ишлатилади
- *nothing* ўрнига *nutting* ишлатилади
- *drive* ўрнига *drife* ишлатилади
- *live* ўрнига *lif* ишлатилади
- *young* ўрнига *young* [juŋ] ишлатилади
- *curse* ўрнига *cuss* ишлатилади
- *pretty* ўрнига *purty* ишлатилади
- *becouse* ўрнига *bekase* ишлатилади
- *asked* ўрнига *ast* ишлатилади

- I took ўрнига *I taken* ишлатилади
- Join ўрнига *jine* ишлатилади
- Spoil ўрнига *spile* ишлатилади
- Always ўрнига *allers* ишлатилади

I - боб буйича хулосалар.

Тил нормаларининг нутқда бўзилиши таржима жараёнида ҳам тўлиқ инобатга олиниши керак, чунки тилшуносликда тажрима деганда асосан бир тилдаги ағдаришни тушунамиз. Таржиманинг мақсади асл нусха мазмунини, бадиийлигини, асарнинг ғоясини, авторнинг воқеа-ҳодисаларни баён қилиш услубини, асар мансуб бўлган халқнинг миллий урф-одати каби жараёнларни ағдарилаётган тилда қайта яратиш эканлиги маълум. Лекин грамматик кўринишлардан бўзилишлар бир тилдан иккинчи тилга ўгирилишда тажрима назарияси фанида кам ўрганилган соҳадир.

2. Маълумки нутқнинг грамматик нормалардан чекланш гапларнинг тўлиқсизлик категорияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у инглиз тилида универсал характерга эга бўлади. Тўлиқсиз гаплар асосан тўрт гурпуага бўлинади:

- а) эгаси ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар;
- б) кесими ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар;
- в) эга ва кесими ифодаланмаган тўлиқсизгаплар;
- г) тобе компонентли (иккинчи даражали бўлаклардан бирортаси) ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар;

Ушбу тадқиқот ишимизда асосан диалогик нутқда учрайдиган эгаси ёки кесими ифодаланмаган тўлиқсиз гапларнинг тилда қўлланилиши усулларига тўхталдик.

3. Нутқ иштирокчилари томонидан берилган жавоб репликалардаги эгаси ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар трансформация ёрдамида кўп тилларда ҳам изоморфлик хусусиятига эга.

Where have you been? - Ўзингиз қаёқда эдингиз?

Calling on the British. - Инглизларнинг олдига борган эдим.

II - боб. Нутқда грамматик нормадан чекиниш ҳолларининг структуравий таҳлили.

2.1. Сўзлашув нутқида морфологик нормадан чекинишлар.

Сўзлашув нутқи қатор грамматик белгиларга эга. Бўлар жумласига ёрдамчи феълларнинг тушириб қолдирилиши инглиз тилида энг кўп учрайдиган ҳолдир. Биз бу ўринда перфектни ясовчи ёрдамчи феъл **-have-** феълининг тушиб қолдирилиши ва ягона сифатдош II ёрдамида перфект маъносини ифодаланиши ҳодисасини америка варианты сўзлашув нутқи мисолида кўриб чиқамиз.

Have – сўзи орқали ясалган перфект формаларини икки аъзоли содда сўроқ ва дарак гапларда (тасдиқ ва инкор шаклларда бўлган), йиғиқ ва ёйиқ гапларда, тўлиқ ва нотўлиқ гапларда, буйруқ гапларда ва бошқа типдаги гапларда қўлланилганлиги кўриб чиқдик.

Таҳлилни биз содда гапларда ишлатилган синтетик перфект формалардан бошладик.

<i>M: Henry – they vanished.</i>	<i>(D. Word)</i>
<i>She gone, Porgy.</i>	<i>(D. Heyward)</i>
<i>Know? I <u>been</u> a witness I know</i>	<i>(T. Williams)</i>
<i>Clark, ya <u>been</u> a big help.</i>	<i>(K. Cameron)</i>
<i>She <u>been</u> sick</i>	<i>(A. Eairbairn)</i>
<i>I <u>been</u> married. I don`t like it.</i>	<i>(G. Kanin)</i>
<i>They <u>done</u> all right, Lientenant.</i>	<i>(Th. Heggen)</i>

Бу ерда фақатгина тугалланган замон формаларинигина эмас, балки тугалланган давомли шаклларни ҳам учратамиз.

<i>You <u>been</u> crying.</i>	<i>(Ph. Dunning, G. Abbolt)</i>
<i>Ah <u>been</u> trabellin`.</i>	<i>(M. Mitchell)</i>

Юқорида келтирилган гаплар сўзлашув нутқининг типик намуналари эканлиги ҳақида бошқа қатор сигналларни ҳам у тил маҳсулотларидан топамиз. Масалан, эллиптик гап, яъни на эгаси ва на ёрдамчи феълига эга бўлган гап.

Do you know? → Know? олмошнинг фонетик жиҳатдан ўзгарган шакли: you → ya, I → Ah, travelling → trabelin` .

Охирги мисолимизда бир йула 2 ўзгаришни кўрамиз. V → b, ва ing → in`

Биз бу ўринда бу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг содир бўлиш механизм ива нутқдаги окибатлари ҳақида гапириб ўтирмаймиз, чунки унга қатор диссертацион ишлар, мақолалар бағишланган. Биз бу ўринда сўзлашув нутқи нормаси томонидан бу каби ҳодисаларга йул қўйилиши ва уларнинг функционал жиҳатдан кенг кўламли эканлиги ва уларнинг семантик томондан таҳлил этиш зарурати туғулганлиги ҳақида эслатиб ўтишни кифоя деб билдик.

Юқоридаги 1) she gone гапининг унинг грамматик жиҳатдан тўлиқ варианты бўлмиш 2) she has gone дан семантик ёки, прагматик жиҳатдан фарқлаш, биринчи вариантнинг юзага келиш сабаб ва омиллари, уни юзага келтирган нутқ момент ва ситуациясини таҳлил қилиш муҳимдир. Сўзловчининг *she gone* вариантыни танлашга қуйидаги омиллар у ёки бу даражада сабаб бўлган бўлса керак.

- 1) Сўзловчи саводсиз бўлганлиги туфайли у *gone* эмас, *has gone* дейиши кераклигини тушунмайди.
- 2) Сўзловчи шу қадар шошилиб турибдики, у *has* сўзини хатто қисқартириб `s шаклида айтишга ҳам вақт топа олмайди.
- 3) Биринчи ва иккинчи омил биргаликда келади.
- 4) Сўзловчи *done* эмас, балки *has done* деб айтиш кераклигини билади, аммо у тингловчининг нутқ маданияти паст бўлган саводсиз сўзловчилар гуруҳидан эканлигини билган ҳолда ўзининг нутқ

маҳсулоти ана шу чаласавод тингловчига етиб боришини мўлжаллаб ўша тушунадиган ва ишлатадиган тил шаклини кўлламоқда.

5) Тил воситаларини тежаш тамойили шуни тақазо этади.

6) Оғзаки сўзлашув нутқида шундай бўлиши керак.

Бу ерда бизнингча 2, 3, 4, 5 ва 6 омиллар ҳақиқатдан йироқ бўлиб, ҳақиқатга тўғри келадигани 1-омилдир. Яъни сўзловчи саводсизроқ ва у бир оз шошилиб турса ҳам, шошилмаса ҳам у фақат ўзи биладиган ва ягона тўғри деб ҳисоблайдиган ўша формани ишлатади.

Мисолларни таҳлил этишда давом этамиз.

I seen em. (J. Steinbeck)

We been there. (D. Heyward)

... He you been living all your life in a house with only a little iron fence. (J. O`Hara)

Инкор маъносидаги дарак гапларда have ёрдамчи феълсиз ясалган перфект формаларини ишлатилишини кўриб чиқамиз. Масалан:

Nobody been here but slim. (J. Steinbeck)

Goat not got children. (J. Patrick)

I never seen such a beautiful house in all my life. (J. O`Hara)

You never seen nothing` like it. (I. Levin)

Бу гапда сўзлашув нутқининг яна бир хусусияти, яъни бир гап чегарасида иккита инкор шакли кўлланилмоқда-ки у тил нормаси нуқтаи назаридан йўл кўйиб бўлмайдиган хатодир. Сўроқ гапларда ёрдамчи феълсиз ясалган перфект замон формаларини кўриб чиқамиз. Масалан:

You been out with Steve? (Ph. Dunning)

Stawm done any damage around here? (T. Williams)

You got me, haven`t you? (S. Treadwell)

After all, Erwin, you got nothing against Frankie and me, have you?
(G. Abbott)

I done very good, considering -Number Eighty-two, hey

(K. Cameron)

What you been doing for these three days, son? (L. Hansberry)

Where they gone? You know where they are. (B. Hecht)

Юқорида *have* ёрдамчи феълининг тушиб қолдирилиш ҳодисаси ҳақида гапирганимизда, унинг сабабини изоҳлаб биз “бу нарсанинг сабаби қисман шундаки, сўзловчи бу ўринда *have* феъли ишлатилиши кераклигини билмайди деган эдик. Аммо бу ўринда келтирилган тасдиқни шубҳа остига олиб қўйди. Яъни: *You got me, haven't you? ва You got nothing against Frankie and me, have you?* гапларида сўроқ гапини иккинчи қисмида биз *have* феълини, уша перфект замон шаклининг ёрдамчи феъли бўлмиш *have* феълини учратамиз”. Бу эса сўзловчи перфект замон шаклини яшашда *have* феълидан фойдаланиши зарурлигини билмаслигига гумон пайдо бўлади. Аммо биз гапнинг биринчи қисми ва иккинчи қисмини алоҳида – алоҳида мавжуд бўлган бирликлар деб қарасақ ва тасдиқ сўроқ гапни яшашда сўзловчи албатта қайсидир ёрдамчи феълни қўллаши зарурлигини билган ҳолда у ўзи гапнинг бошида ишлатган шакл перфект замонга тўғри келишини эсласа ва: **You got me, didn't you? *You got me, weren't you? ёки *You got me, won't you?*” шакллари грамматик жихатдан бутунлай нотўғри бўлиб, уни хатто анчайин чегаралари кенг бўлган сўзлашув нутқи норма ҳам қабул қилолмаслиги сўзловчининг онгида акс этган ҳолда унинг мияси унинг тилига тўғри команда беради ва сўзловчи *haven't you? ёки have you?* шаклдаги вариантлар билан гапини яқунлайди.

Бундан биз шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, хатто оғзаки сўзлашув нутқи ҳам ўз қатъий нормаларига эга, у нормасиз, ҳамма нарса, ҳар қандай грамматик ва лексик, ёки фонетик ва

фразеологик тил тузуми маҳсулоти қабул этилаверади ва тил тизими бағрига сингиб кетаверади деб ўйлаш хатолиги яна бир бор ўз исботини топади.

Ёрдамчи феълсиз ясалган перфект замон шаклларини эргашган кўшма гапларда ишлатилишини таҳлил қилдик. Қуйида мисолларни кўриб чиқайлик. Масалан:

You been on your fut ever since I got here. (A. Fairbain)

They done nothing but talk about that house, ever since you started building that wall... (J. O`Hara)

*Ever seen any pictures of them palm trees they have down there?
(D. Davis)*

*Hello? Funny fase, what you been doing since I fast saw you?
(A. Maltz)*

Эргаш гапларнинг турли тилларда ёрдамчи феълсиз ясалган перфект формаларнинг қўлланилиши, масалан:

1. Тўлдирувчи эргаш гапларда.

I think I done a right good job of it. (I. Levin)

That`s all right, Mabel, we know where you been. (G. Abbot)

1. Аниқловчи эргаш гапларда.

Don`t want to do the way de men Comer done. (L. Riggs)

- *What do you mean – that letter?*

- *I mean any of those letters you been` writin`. (Th. Heggen)*

2. Пайт эргаш гапларда.

You know you can catch cold sitting around in damp things, especially when you been exerasing hard like bowling is. (T. Williams)

3. Равиш эргаш гапларда.

Great day in the morning. I never seen such beating one of the other as I seen here today. (E. Caldweel)

*He`s a real smart fellow and right military like his whole family
been. (I. Levin)*

4. Сабаб эргаш гапларда.

*I can never talk to you like brother to brother cause you always got a
mouth full of peanut butter and jelly. (L. Elder)*

*Listen: I`d like to ask you, becouse, look, you been in the army....
(B. Tarkington)*

5. Шарт эргаш гапларда.

*If you got your feel wet, go change your socks. They lock wet.
(T. Herber)*

But I`m sorry if I done something wrong. (M. Eisenstein)

Шуниси қизиққи have феълини тушириб қолдириш фақат перфект замон формаларни ясашгагина хос бўлмай бу жараён сўзлашув нутқида янада кенгайиб, have- модаль феълини ҳам ўз ичига ола бошлади.

*If make it hot in the bedroom – so that you got to sleep without
nothing on you... (T. Williams)*

Бу гапда сўзлашув нутқининг сигналлари бир талай, жумладан makes → make, have got → got. Бу ҳодиса аналогия туфайли ясалган сўз формаси бўлганлиги учун жуда муҳимдир.

Айрим ҳолатларда сўзлашув нутқида пассив формалар done ёрдамида ясалади.

An` if has done sorrered me a plenty.

Jeff`s done arranged it already. (A. Maltz)

Юқорида таҳлил қилинган барча мисоллар оғзаки сўзлашув нутқи намуналаридан олинган бўлиб улар норасмий, эркин ситуатцияда сўзловчилар томонидан қўлланилган шакллар, айтилган гаплардир. Уларнинг барчаси ҳозирги замон инглиз тили грамматик нормасига тўлиқ жавоб беради, сўзлар ҳам семантик жиҳатдан тўғри ва ўринли

ишлатилган, уларнинг автор ёки сўзловчи томонидан ўйлаб чиқилган «нотўғри тил маҳсулотлари» деб қараш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, улар систем характерга эгадир. Шу туфайли улар сўзлашув нутқи системасининг бир қисми сифатида намоён бўладики, бўларнинг нафақат структуравий балки, функционал – семантик хусусиятларини ўрганиш, улар ўртасида руй берадиган турли семантик, синтактик ва грамматик жараёнларни ўрганиш мазкур диссертация олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигини ҳис этиб қоламиз.

Оғзаки сўзлашув нутқининг бошқа айрим хусусиятларини ҳам кўриб ўтайлик.

Well – this all the packing got done since I left out of here this morning? (L Hansberry. A Raisin in the sun.)

Бу гапда сўроқ гап маъноси дарак гап структураси томонидан ифода этилмокда, бу ҳақида гап охиридаги сўроқ гап хабар бермокда.

What time the morning men due? (L.Hansberry. A Raisin in the sun.)

Бу гапда ҳам сўроқ гап маъноси дарак гап структураси ёрдамида ифода этиляпти. Сўроқ гапни ясовчи айрим функционал унсурлар бу ерда мавжуд эмас, улар тушиб қолдирилган.

Ain`t nothing, the matter with us. We just telling you `bout the gentleman who came to see you this afternoon. (L. Hansberry. A Raisin in the sun)

ОСН нинг бу гапдаги сигналлари бўлиб ain`t, `bout ва (were) telling формалар хизмат қилади.

What he want? (L. Hansberry. A Raisin in the sun)

Бу гапда ёрдамчи феъл (does) нинг тушириб қолдирилганлиги ОСН нинг типик белгиларидан биридир.

He said they can't hardly wait. He said the one thing they don't have, that they just dying to have out... aint that right. (L. Hansberry. A Raisin in the sun)

Бу мисолда ОСН нинг яккол сигналлари сифатида ain't, can't hardly ларни келтиришимиз мумкинки, иккинчи бирикма кўш инкорли структураларга мисол бўла олади.

He talked brother hood...

You should hear the money.

Бу мисолларда анъанавий ўтимсиз феъллар ўтимли феъллар сифатида ишлатилмоқда.

What they think we going to do – eat 'em? (L. Hansberry. A Raisin in the sun)

Бу гапда биз ОСН нинг икки сигналига эгамиз, яъни: we going бу ерда ёрдамчи феъл -are- тушиб қолдирилган бўлса, 'em да сўз бошидаги ундош тушиб қолдирилган.

Mama, you going to take that to the new house?

(L. Hansberry. A Raisin in the sun)

Юқорида кўриб ўтилган ёрдамчи феълсиз ясалган давомли феъл шакли ОСН ҳақида хабар бериб турибди.

What the old son say.... (L. Hansberry. A Raisin in the sun)

Бу ўринда ҳозирги замон шаклида турган феълда 3 – шахс бирлик кўшимчаси тушуриб қолдирилган.

Boy – get out of my face... (L. Hansberry. A Raisin in the sun)

ОСН нинг маркери сифатида get out of one's face идиомаси ишлатилмоқда.

Everybody talking, 'bout heaven ain't going there?

Бу гапда ОСН нинг кўрсаткичлари бўлиб юқорида учраган ёрдамчи феълсиз ясалган давомли шакл, унлиси тушиб қолдирилган предлог, ва isn't урнига ain't нинг ишлатилганлиги хизмат қилмоқда.

Seems to me she ain`t been very appreciative around here.

(L. Hansberry A. Raisin in the sun)

Юқоридаги мисол шуниси билан муҳимки бу ерда ain`t энди isn`t нинг эмас балки hasn`t нинг ўрнига ишлатилган.

I`ll good you. (L. Hansberry)

Бу гапда гапнинг кесими тушиб қолдирилган ва сифат гапнинг феъл кесими позициясини эгаллайди.

Ain`t that lovely (=Isn`t that lovely) (L. Hansberry)

Ain`t бу ерда боғловчи феъл вазифасини бажармоқда.

Lord have mercy, baby. You done gone and bought your grandmother a hat?

Бу гапда done gone бирикмаси have gone бирикмасининг ўрнида қўлланилмоқда, яъни done бу ўринда перфект формасини ясовчи ёрдамчи феъл вазифасини бажармоқда.

This here is a beautiful hat. (L. Hansberry)

Бу мисолда ортиқчалилик тамойилига кўра this ва here бир хил вазифани бажарган ҳолда ёнма ён келмоқда.

We ain`t finished packin` yet. Bennie, you ain`t packed one book.

(L. Hansberry)

Бу гапда бир хил шакл (ain`t) турли грамматик формаларни билдириш учун ишлатилган, яъни биринчи ain`t – перфект замон шаклини билдиришда ишлатилса, иккинчи ҳолатда ҳам перфект замонни билдиришга ишлатилмоқда.

He quick in everything. You out of the game.

Бу мисолларда is, are боғловчи феъллари тушириб қолдирилган. “be” феълининг тусланмаган шаклининг ишлатилиши ОСН нинг асосий белгиларидан биридир. Бу шакллар одат тушга кириб қолган иш ҳаракатлар ва келаси замонни билдириш учун ишлатилади.

Масалан: *They be slow all the time. The boy be here soon.*

ОСН нинг ажратиб турувчи яна бир белгиси сифатида қўш инкор структураларини ҳам айтиб ўтиш мумкин.

There ain't nothing the matter. They can't hardly wait.

ОСН нинг яна бир белгиси сифатида от эга ва олмош эганинг кетма - кет келишини санаб ўтишимиз мумкин.

Miss Nellie, she pointed.....

Shelby, he told us.....

Урғусиз биринчи бўғинни тушиб қолдириш ҳам ОСН нинг характерли белгиларидан биридир.

Because = /kauz /, expect = /spek/, about = /bawt /, around = /rawn /

Перфект аспекти яшаш учун done ёрдамчи феълнинг ишлатилиши ҳам ОСН нинг белгиларидан биридир.

You done gone and bought your grandmother a hat? So many people had done named me different names.

ОСН нинг яна бир характерли белгиси бу ундошли бирикмаларнинг соддалаштирилишидир.

Child [tʃaɪt]

Don't [daʊn]

Grand [grænd]

Walked [wɒk]

Moved [muv]

Just [dʒɪst]

ОСН нинг яна бир белгиси бу дифтонглар ва глайдларнинг соддалашувидир.

I = /ah /

to = /tə /

my = /mah /

you = /yə /

time = /taɪm /

[ə] фонемасининг сўз бошиди ва охиридаги позицияда ўзгариши.

there = / cler /, that's = / dæt /, with = / wid /

[ŋ] – фонемасининг талаффузини ўзгариллиши.

noting = / naðin /

asking = / æskin /

taking = / teikin /

Бошқа мисоллар.

“You a waiter in this place” *p. 57*

The unhelpful wifnen was being asked questionc about a recent burglary.

“And what did you hear” –asked the Counsel “

“I eard a noise” replied the witness.

What, did you do?:

I looked out o' the winder

And what did you see?

Nuthin'. I looked out o' the wrong winder *p. 26*

In sure my wife, pe tam. You agents are all crooks. My wife she die:

you say. 'Ve do not pay, ve gif you a bigger wife? *p. 28*

Page; Paging Mr. Nedsponliananchikoff ?

Call for Mr. Nedsponliananchikoff.

Mr. N – Poy: vot iss ze initial?

The shud know, wooden ' uns. *p. 11*

Ney, Mister Wot 's, these ' tre?-

Will ' un bite?

-Ez ony on ya onny on ' em on ya?

How dou you manage to catch so many rabbits around here? – asked the toursman on his first visit up quntry. Waal, stranger – “replied the

woodsman, - "Ah quen it ' s a trade secret, but Ah ' ll let you have the low down. First we paints big black spots on the ends of them. Thar logs, then we sends the dawgs into the woods to stir up the cotton-tails. The gol-darned jack-rabbits comes tearin' out, sees the black spots and, thinks they ' re holes an ' makes for ' em. Course. there ain' t no holes, an' the stupid crittures jes' bashes out their brains on the timber, S' easy!"

Юқоридаги парчада сўзлашув нутқининг бир қатор шубҳасиз маркерларини кўришимиз мумкин. Яъни I – кишилик олмоши барча ҳолларда *Ah* – шаклида талаффуз қилинади, *you* – олмоши талаффузи *you* – га ўзгартирилади, *him* – олмошида биринчи ундош қисқариб сўз `im тарзида талаффуз қилинади. *My* – эгалик олмоши – *mah* шаклида келган, *there* сўзи эса *dere* шаклида келган. *To be* феълининг ўтган замон шакли – *was* – сўзлашув нутқининг бу намунасида *wuz* шаклида талаффуз қилинган ва бу ёзувда ўз иродасини топган. Инфинитивнинг маркери *to* юкламаси ҳам *tuh* – шаклида талаффуз қилинган. Юқорида айтилгандан ташқари *ain` t never* – каби иккаланган инкор иборасини учратамиз. Буларнинг ҳаммаси сўзловчи нутқининг норасмий шароитда эътиборсиз гапирганлигидан далолат беради. Сўзловчининг савод даражаси ҳам унчалик юқори эмас.

Кейинги парчани таҳлил қиламиз.

Mah grandma and de white folks she warked wid. She had a house out in de backyard and dat`s where ah wuz born. They was quality white folks up dere in West florida. Named Washburn she had four gran` cniffun on de place and all of us played together and dat`s howcome ah never called mah Grandma nothin` but Nanny, cause dat`s what everybody on de place called her (Z. Neile. Their Eyes were watching God, Hurston p.3)

Бу парчада ҳам сўзлашув нутқининг қатор белгиларини кўраамиз. Аввалги парчада айтиб ўтилганларидан ташқари бу матнда биз кўйидаги хусусиятларни учратамиз.

de – бу сўз аниқ артикль they учун ишлатилган. Wid – эса with предлоги. dat`s – эса that is – нинг қискартирилган шаклидир. dere – there, gran` chillun – grandchildren, notin` - nothing, `couse – becouse. Бундан ташқари They was – бирикмасида, эга ва боғловчи феълнинг сондаги мослашуви бузилган.

Буларнинг ҳаммаси сўзловчи ва нутқ моментининг оғзаки сўзловчи нутққа тегишли эканлигидан далолат беради. Чунки, бу ерда нафақат талаффузда балки грамматикада ҳам кузатилади.

Кейинги парчанинг таҳлилига ўтамиз.

Nanny used to ketch us in our devilment and lick every youngun on de place and Mis` Washburn did de same. Ah reckon dey never hit us ah lick a miss `cause dem three boys and two girls wuz pretty aggravatin` ah speck. “Ah was wid dem white chillun so much till Ah didn` t know. Ah wuzn` t white till Ah was round six years old.

(Z. Neile. Their Eyes were watching God, Hurston p.3)

Бу парча ҳам сўзлашув нутқининг қатор маркерларини ўз ичига олади. Булар қуйидагилардир: *to ketch – to catch, youngun – young one, dey – they, aggravatin` - aggravating, speck – spoke, said, wid dem – with them, chillun – children, wuzn` t – wasn` t.*

Кейинги парчанинг таҳлилига ўтамиз.

Wouldn` t have hound it out them, but a man come long takin` pictures and without askin` anybody. Shelby, dat was de aldest boy, he told him to take us. Round a week later de man brought de picture for Mis` Washburn, to see and pay him which she did, them give us all a good lickin.

(Z. Neile. Their Eyes were watching God, Hurston p.3)

Бу ерда СН нинг маркерлари: *asking – askin`, taking – takin`, that – dat, liking – likin`, a man come – a man comes.*

So when we looked at de picture and everybody got pointed out there wasn` t nobody left except a real dark little girl with long hair standing by

Eleanor. Dat`s where Ah wuz s`posed to be but Ah couldn`t recognize dat dark chile as me. So Ah ast `where is me? Ah don`t see me, Dat`s you, Alphabet, don`t you know yo` ownself?

(Z. Neile. Their Eyes were watching God, Hurston p.3)

Юқоридаги парчада биз СН нинг қуйидаги маркерларини топамиз: *the – de, wasn`t anybody – wasn`t nobody, that`s – dat`s, asked – ast, supposed – s`posed, your – yo`, yourself – ownself, pointed – got pointed.*

Энди навбатдаги парчани таҳлил қиламиз:

Miss Nellie, de Mama of de chillun who come back home after her husband dead, she pointed to de dark one and said, “Dey all useter call me alphobet `cause so many people had done named me different names. Ah looked at de picture a long time and seen it was mah dress and mah hair so said: “Aw, aw! Ah`m colored”. “Den dey all laughed real hard. But before de picture Ah thought. Ah wuz just like de rest...

СН нинг бу парчасида биз қуйидаги белгиларни топамиз:

Husband was dead → husband dead;

Used to → useter;

Had named → had done named;

Than they → den dey;

I was → Ah wuz;

Saw → seen.

Кўришиб турибдики СН нинг бу парчасида ҳам, фонетик, ҳамда грамматик оғишлар хусусиятларга кўзга ташланмоқда. Бу эса оғзаки СНнинг иштирокчилари томонидан уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли ностандарт талаффуз намуналари ва грамматик структураларда нормадан оғишлар учрашишининг оддий ҳол эканлигидан дарак беради. Бу каби

ностандарт структуралар ишлаталашнинг асосий сабаблари деб қуйдагиларни кўрсатишимиз мумкин.

1. Нутқ норасмий шароитда ўтмоқда;
2. Нутқий чекловчи ҳеч қандай ташқи факторлар йўқ;
3. Нутқ иштирокчиларининг савод даражалари юқори эмас;
4. Сўзловчи томонидан қўлланилаётган талаффуз нормалари ва грамматик структуралар коммуникация қатнашчи-ларининг барчасига хосдир ва ҳоказолар.

2.2. Нутқда синтактик нормадан чекинишлар.

Маълумки, инглиз тилида гап бўлаклари тартиби бир мунча ишланган. Бу соҳага тегишли илмий ишлар, мақолалар, китоблар ёзишган. Аммо сўзлашув нутқига хос гап бўлаклари тартиби масаласи ишланмаган деса бўлади. Лекин рус тилшунослигида сўзловчи нутқидаги сўз тартибига оид бир қатор ишлар мавжуд.

Сўзлашув нутқида суҳбатдошларнинг эркин фикр алмашиши амалга оширилади. Бу эркин ҳолат инверсия учун қулай имкон яратади.

Инверсия логик урғу билан яқиндан боғлиқдир. Логик урғу бу гапдаги сўзлардан ёки сўз бирикмаларидан бирининг нисбатан алоҳида ажратиб айтилишидир.

Ҳозирги инглиз тилида логик урғу инверсия ва интонация орқали ифодаланади. Ўзаро нутқий алоқада интонация муҳим роль ўйнайди. Сўзлашув нутқида интонация ҳар хил эмоционал экспрессив маъноларни бериш воситаси бўлиб хизмат қилиш билан бирга, ифода мақсадига кўра гапларни фарқлаш, грамматик маъноларни чегаралаш учун ҳам ишлатилади.

Сўроқ гаплар турли интонацион хусусиятга эга. Интонация ёрдамида тузилган сўроқ гаплар, сўроқ юкламалар орқали тузилган

сўроқ гаплар интонациясига нисбатан кўтарилувчи бўлади, чунки сўроқ ифодаловчи лексик – грамматик воситалар бўлмаганда интонация муҳим роль ўйнайди.

Сўзловчи нутқи таркибидаги сўроқ гаплар баъзан эмоционал вазифа бажаради. Бундай гаплар риторик сўроқ характерида бўлиб, бунда сўзловчининг ўзи сўроққа жавоб қайтаради Сўзлашув нутқида буйруқ гапларнинг мазмуний турлари интонация орқали фарқланади.

Темп билан айтилувчи буйруқ гаплар дўк, қатъий буйруқ, ман этиш каби маъноларни билдиради.

Ўртача темп билан айтилувчи буйруқ гаплар илтимос, насиҳат, маслаҳат, руҳсат, таклиф маъноларини ифодалайди.

Келтирилган мисолларда сўзловчининг хабар берилаётган факт (маълумот)ларга ва реал воқеликка муносабати ифодаланган. Диалоглардаги жавоб дарак гапларда ҳам, сўроқ гапларда ҳам фикрнинг ҳаракати, уни бошланғич ҳолатга қайтаришдан иборатдир. Ана шу жараёндаги кучли интонация таъсирида сўзлашув нутқида инверсия вужудга келади.

Инверсияда гап таркибидаги сўз ёки бирикманинг одатдаги ўрни алмашади, чунончи, гапнинг кесими ўрнига эса ёки иккинчи даражали бош бўлак ўрнига ўтиб қолади.

Сўзлашув нутқида адабий тилдагига нисбатан инверсия ходисаси кучлидир⁴. Бўлаклари инверсияга учраган гаплар тўғри тартибдагига қараганда кўпроқ ажралиб туради ва ўзига кўпроқ жалб этади. Сўзлашув нутқининг диалогик характери гапнинг тўғри тартибини ўзгартиришга олиб келади ва шу йўл билан

⁴ О. Б. Сиротина. Порядок слов живой разговорной речи, сб. «Вопросы синтаксиса и стилистики русского литературного языка», Куйбышев, 1963; О. А. Лаптева. Расположение компонентов в группе определяемое – одиночное согласованное определение в современной устно – разговорной речи, В кн. «Русский язык. Грамматический исследования». М. 1967. стр.154 – 155;

суҳбатдошнинг ҳаракати, ҳолати ва диққати тортилади. Шу жараёнда асосий реакцияни кўзғовчи бўлақлар гапнинг бош қисмига ўтказилади.

Агар сўз тартиби гапга қўшимча маъноларини юкласа, у стилистик функцияни бажарган бўлади. Гапдаги бирор сўзга логик урғу тушиб, у сўз биринчи ўринга ўтказилса, маъно аҳамияти ошади, натижада сўзлашув нутқидаги инверсия гап бўлақларининг турлича эркин жойланишига олиб келади.

Сўзлашув нутқида ҳам эга ва кесимнинг одатдаги тартибини кўрамиз. Гапларнинг одатдаги нормал тартибига кўра икки составли содда гапларда ҳамда қўшма гапларда эга, сўнг кесим келади.

Суҳбатдошлар диалогда қўлланиладиган баъзи гапларнинг эга ва кесими инверсияга учрайди. Натижада аввал кесим кейин эга келади.

Эганинг паст позитив ҳолатда келиши орқасида, баъзан у тушиб қолади. Лекин шунда ҳам маънога путур етмайди.

Кесимнинг эга ўрнига келиши билан гапдаги гап бўлақларининг тўғри тартиби кескин ўзгаради. Натижада суҳбатдошнинг ҳаракати ёки ҳолатига диққати тортилади. Эга эса кесимнинг инверсия диалог иштирокчиларининг эмоционал нутқида, суҳбатдошларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб турган вақтида юз беради.

Сўзлашув нутқида иккинчи даражали бўлақлар ҳам ёзма нутқидаги каби хусусиятларга эгадир. Иккинчи даражали бўлақлар сўзлашув нутқида ҳам, ёзма нутқида ҳам икки составли (таркибли) гаплардаги бош бўлақларга нисбатан келиши ўрни ҳар хил бўлади.

1. Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақ билан бирга эга состави (таркиби)ни ташкил қилса, бунда эга аввал келади.

2. Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақ билан бирга кесим состави (таркиби)ни ташкил қилса, бунда эга билан кесим орасида келади.

Шахси ноаниқ, шахси умумлашган бир составли гапларда иккинчи даражали бўлақлар кесим олдидан келади ва у билан кесим составини ташкил қилади.

3. Суҳбатдошларнинг ўзаро фикр алмашуви вақт (момент) кучли бўлса, юқорида кўрганимиз, иккинчи даражали бўлақларнинг тўғри тартиби бўзилиб, гап инверсияга учрайди. Натижада иккинчи даражали бўлақлар паст позицияга ўтади.

Сўзловчи маълум бир объектни аниқламокчи бўлса, тўлдирувчини ўзи тобе бўлган сўздан кейин келтиришга ҳаракат қилади. Натижада кўпинча кесимдан кейин позицияни эгаллайди.

Агар бир кесимга бир неча тўлдирувчи эргашиб келган бўлса, кесимга яқин позицияни воситали тўлдирувчи, ундан сўнг воситасиз тўлдирувчи эгаллайди. Ёзма нутқда бунинг аксини кўрамиз.

Сўзлашув нутқида сўзловчи ўрин, пайт, мақсад, сабаб каби ҳолат билан боғлиқ бўлган тушунчаларни маъно жиҳатдан таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш мақсадида ҳолни ўзи тобе бўлган кесимдан кейин келтиради.

Ҳол инверсияси қўйидаги ҳолатлар асосида юз беради:

А) ҳолни феъл – кесимдан кейин келтириш билан;

Б) ҳолни гап охирида бошқа гап бўлақларидан ажратган ҳолда келтириш билан;

Аниқловчи ва аниқланмиш муносабатида аниқловчи белгисиз бўлади.

Аслий ва нисбий сифатда бўлган аниқловчи - аниқланмиш:

Сон ва миқдор бидирувчи сўзлар билан ифодаланган аниқловчи -аниқланмиш:

Сифатдош ва сифат билан ифодаланган аниқловчи – аниқланмиш:

Юқорида аниқловчилар сўзлашув нутқининг эмоционаллиги таъсирида инверсияга учраб аниқланмишдан сўнг ҳам келиши мумкин. Лекин баъзи тилшунослар аниқловчи ва аниқланмиш муносабатида, умуман, инверсияни инкор этадилар. Лекин сўзлашув нутқи материалларига мурожаат қилсак аниқловчи ва аниқланмиш муносабатида бир – биридан фарқли икки ҳолатни кўрамиз:

а) агар қаралмиш сўз қараткич аниқловчидан олдин келса, қаралмиш сўз кесимдан кейинги позицияга ўтказилади, қарат-қичли аниқловчи ўз аниқловчилик функциясини ўтаверади. Баъзан фикрни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш лозим бўлса, қаратқичли аниқловчи асосий гапда ажратилади;

б) сифатловчи аниқловчилар нутқнинг ҳар иккала формасида ҳам гапда тўғри тартибда жойлашади.

Агар сифатловчи аниқловчи аниқланмишдан кейин келса, аниқловчилик функциясини йўқотиб, кесим функциясида келади. Чунки, аниқловчининг гапда қайси ўринда келиши аниқланмишга боғлиқдир, баъзи бўлақларда тартиб доимий бўлади, уларда тартиб эркинлиги бўлмайди. Сифатловчи бўлақ шулар жумласидандир.

Демак, сўзлашув нутқи гап бўлақларининг инверсияга учраши махсус интонация орқали амалга оширилади. Бу интонация гап таркибидаги у ёки бу бўлақни маъно жиҳатдан ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади. Агар гап таркибида бирор бўлақ унинг охирига ўтказилар экан, маъно акценти ўша бўлақда жамғарилади.

2.3. Экспрессивликнинг инверсия орқали ифодаланишида нормадан чекиниш ҳолари.

Гапда сўзлар тилнинг грамматик қонун – қоидалари асосида бирикади ва шу қоидаларга мос ҳолда муайян тартибда, изчилликда жойлашади. Бу гап бўлақларининг одатдаги тартибидир, тилнинг ички тараққиёт қонунлари заминида маълум системага солинган нормасидир.

Гап бўлақларининг маълум грамматик формада шаклланган бўлиши инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Масалан, эга бош келишиқдаги отдан (кенг маънода), кесим асосан тусланган феълдан, тўлдирувчи келишиқли ёки кўмакчили отдан бўлиши кабилар гап бўлақларининг ташқи белгиларидандир. Шунга кўра гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгартирилган чоғда ҳам грамматик ҳолат асосан ўзгармайди. Лекин грамматик шаклланмаган бўлақлар иштирокида тузилган гапларда тартибнинг роли катта: *The wolf chased the dog → the dog chased the wolf. The lad looked for a lan → the lan looked for a lad. The sky is blue → the blue sky.* Баъзан эса, кесимнинг махсус формада қатнашуvidан грамматик ҳолат ўзгаргани ҳолда логик ҳолат ўзгармайди: *Repin drew a picture → the picture was drawn by Repin* каби.

Тартибнинг қатъийлиги хар бир бўлақнинг ўзи алоқадор сўзга нисбатан логик – грамматик жиҳатдан бирикиш даражасига боғлиқ. Масалан, эга – кесим муносабати ҳол – кесим муносабати билан бир хил эмас, ёки тўлдирувчи – кесим муносабати сифатловчи – сифатланмиш муносабатига тенглаштириб бўлмайди.

Одатда ўрин, пайт ҳоларининг кесим билан бирикиш даражаси унчалик зич бўлмайди, тўғрироғи улар тўғридан – тўғри кесимга эмас, бутун гапга алоқадор бўлади. Шунга кўра уларнинг ўрни ҳам кесимдан анча узоқда (ҳатто эгадан ҳам олдинда) бўлиши нормал ҳолдир. Бинобарин, гапда уларнинг ўрнини алмаштирса, унча сезилмайди ҳам.

Одатдаги тартибга кўра кесим гапнинг охирида келади. Лекин унинг ўрин алмаштириш, албатта, қандайдир эмоционаллик оттенкасини келтириб чиқаради. Демак, баъзи бўлақларнинг ўрнидан силжиши унча сезиларли бўлмаса, бошқа бирлариники ортиқ даражада сезилиб туради.

Баъзи бир стилистик (айниқса экспрессивлик) талабларга кўра гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгартирилади. Бу эса инверсиядир. Одатдаги тартиб ва инверсия тартиб моҳият эътибор билан бир – бирига зид қўйилувчи, бир – бирини инкор қилувчи ҳодисалар эмас. Бошқача айтганда, одатдаги тартиб нормал ҳол бўлиб, инверсив тартиб онормал ҳол эмас. Инверсив тартиб ҳам маълум контекст учун «одатдаги» тартибдир. Демак, нутқ формаларининг бу икки хил кўриниши шартли равишда икки хил ном билан (одатдаги тартиб ва инверсия) юритилади.

Тилда ҳеч қандай сабаб ва мақсадсиз умумий қоидадан чекиниш ҳодисаси бўлмагандай, гапда одатдаги тартибнинг ўзгариши (инверсия) ҳам тасодифий ҳодиса эмас. У нутқнинг таъсирчанлиги, экспрессивлиги, эмоционаллиги каби мақсадлар учун хизмат қилади.

Инверсия фикрни эмоционал – экспрессив тарзда ифодалашнинг актив ва маҳсулдор усуллардан биридир. У тил тараққиётининг кейинги босқичларида давр талаби, шароит тақозоси билан туғилган ҳодисадир.

Инверсия экспрессив нутқ воситаси эканини айтдик. Лекин экспрессивлик фақат инверсиянинг ўзи билан бўлмайди, бундай қўлланишда интонация алоҳида ўрин эгаллайди. Бироқ инверсиясиз интонациянинг ўзи билан ҳам кузатилган мақсадга эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, махсус интонациянинг шартлиги инверсия ролини инкор этмайди. Хуллас, инверсияда иштирок этувчи, уни «бошқарувчи» бўлақ бошқа позицияга ўтади. Бу ҳол унинг кўтаринки интонация билан талаффуз қилинишига замин яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гап бўлақларининг ўрнини исталганча алмаштириш мумкин бўлавермайди. Ўрин алмаштиришнинг ҳам ўзига хос қонун – қоидалари бор. Бу қоидаларни суиистеъмол қилиш эса жумланинг ғализлиги, стилистик хатоликларга олиб келади.

Нутқда бирор экспрессив – стилистик мақсадсиз тўзилган инверсиялар ҳам учраб туради. Улар куйидагича:

1. Аслида рус тили таъсирида «ўзлашиб» қолган, ҳозирги кунгача «традиция» сифатида қўлланиб келаётган инверсиялар:

а) конференсье нутқидаги инверсия. Бу типдаги инверсия, эҳтимол, маълум даврда экспрессивлик ифодалангандир, лекин ҳозирги кунда улар бу хусусиятни йўқотган. Агар машҳур санъаткорларнинг чиқишлари эълон қилинадиган бўлса, бундай инверсия ёрдамида эмоционаллик ифодалаши мумкин. У ҳолда ҳар бир бўлақ дона – дона қилиб кучли интонация билан талаффуз қилинади.

б) баъзи бир эълон ёки рекламаларда учрайдиган инверсия.

He got mad at summat before he went out this morning, though I don`t know what, and this is what he went and done.

A.Sillitoe. p.21.

Бу ерда somewhat сўзи ўрнига summat ишлатилган ва did сўзи ўрнига done ишлатилга. Бу лексик, фонетик, график ва грамматик оғишга мисол бўлади.

Ah, there`s a good lad as does what he`s towd, seaton said.

A.Sillitoe. p.24.

Бу гапда does кесими эгаси келган – бу синтактик чекиниш, towid – да эса told шакли бузиб берилган. Бу грамматик, фонетик ва орфографик бузилишга мисол бўла олади.

You`re gonna lose it, flan, seaton boasted. A.Sillitoe. p.24.

Бу мисолда ҳам биз going to шакли ўрнига gonna сўзини учратамиз, бу эса грамматик, фонетик, ва орфографик нормадан чекинишга мисол бўла олади.

You flitting, mate? A voiu called from the povement.

A.Sillitoe. p.24

Бу мисолда грамматик норма бузилган. Чунки ёрдамчи феъл тушуриб қолдирилган. Бундан ташқари синтактик норма бузилган, яъни сўз тартибида ҳам оғиш бор.

2. Айрим индивид нутқидаги инверсия. Бундай инверсиянинг содир бўлиши сўзловчининг тез гапириши жараёнида айрим бўлақларни тушириб қолдириб, кейин йўл – йўлакай ўша бўлақни қўшиб бориши билан боғлиқ.

3. Гап бўлақлари тартиби ва инверсия қоидаларини тушунмаслик натижасида юз берадиган инверсиялар. Бу парчада кўриниб турибдики, биринчидан, гап жуда «кенг» тузилган, иккинчидан, ундаги инверсиялар, аввало мақсадсиз, қолаверса, инверсия қоидалари суиистеъмол қилинган. Бундай инверсия тингловчи (китобхон)ни зериктирадигина эмас, балки, кайфиятини ҳам бузади. Хуллас, инверсиянинг бундай «турлари» инглиз тили учун анормал ҳолдир.

Инверсия одатда бир гап бўлаги доирасида юз беради, лекин у ўз навбатида бошқа бўлақларни ҳам ўрнидан силжишига сабаб бўлади. Шунга кўра биз инверсияни сўз бирикмаси асосида (эга – кесим, тўлдирувчи – кесим каби) олиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтаб ўтамыз.

Эга – кесим инверсияси. Сиртдан қараганда, бу инверсия эга билан кесимнинг ўзаро ўрин алмаштиришидек туюлади. Лекин аслида бундай эмас. Эга – кесим инверсияси деган сўз кесимнинг олдинги позициясига кучиши демакдир. Инверсияда шундай қонун ҳукмронки,

гапда бирор бўлак алоҳида ажратилиб, албатта, ўша бўлак олдинги позицияга кўчирилади. Шундай экан, ўз – ўзидан маълумки, гапла кесимга алоҳида урғу бериладиган ҳолатдагина эга – кесим инверсияси туғилиши мумкин. Эга орқали ифодаланадиган маънога эътибор кучайтирилмоқчи бўлса, бундай инверсия бўлиши мумкин эмас. Чунки эга аслида тартиб буйича олдинги позицияда туради, инверсияга қатнашадиган бўлса, у кейинги линияга ўтиши керак. Кейинги линияга ўтиш эса унинг маъносини бўрттириш учун имкон бермайдигина эмас, бу жиҳатдан уни иккинчи даражага тушириб қўяди.

Демак, эга – кесим инверсияси деганда фақат кесимнинг олдинги позицияга ўтиши, кесимдан англашилган маънонинг ва у орқали гап мазмунининг бўрттирилиши тушунилади. Кесимнинг олдинга силжиши эганинг кейинга ўтиб қолишига олиб келади албатта. Лекин бу ўринда эга ҳаракатсиз, кесимнинг ҳаракати, натижасида орқага ўтади.

Эга – кесим инверсиясида бунинг акси (кесим ўз ўрнида тургани ҳолда эганинг кейинги линияга ўтиши) бўлиши мумкин эмас. Чунки ўзбек тилида ҳар қандай бўлакнинг, жумладан эганинг мазмун жиҳатдан таъкидлаш мақсадида кесимдан кейинги позицияга кўчирилиши ғайриқонуний ҳодисадир.

Шундай қилиб, эга – кесим инверсиясида экспрессивлик, эмоционалликка эришиш лозим бўлса, фақат кесим ҳаракат қилади, эгадан олдинги позицияга ўтади.

Эмоционалликни ифодалашда эга – кесим инверсиясининг иш кўриш доираси бениҳоя кенгдир.

Кесим предикативликни ифодаловчи асосий элемент, гапни уюштирувчи энг муҳим бўлак экани маълум. «Гап тушунчаси кесим тушунчаси билан жуда зич боғлангандир». Кесим гапнинг интеллектуал – коммуникатив функциясини белгиловчи асосий марказ бўлиши билан

бирга, унинг эмоционал – экспрессив оттенкаларини кўрсатишда ҳам актив бўлакдир. Шунга кўра у турли – туман усуллар, жумладан, инверсида қатнашиш йўли билан нутқнинг эмоционал – экспрессив формаларини юзага келтиради. Бинобарин, кесим инверсияси (олдинга силжиши) тасодифий ҳодиса бўлмай, маълум экспрессивликни ифодалаш мақсадида юзага келган стилистик ҳодисадир.

Тўлдирувчи – кесим инверсияси. Одатдаги тартибга кўра гапда тўлдирувчи кесимдан олдин жойлашади.

Гапда тўлдирувчи бир неча бўлиши мумкин. Бу ҳолда тўлдирувчилардан қайси бири маъно жиҳатдан муҳим бўлса, у кесим олдида бўлади, яъни кесим билан препозитив ҳолатда бўлган тўлдирувчи логик урғу олади. Сўзловчи ўз нутқида иккинчи даражали бўлақлардан (ҳол ёки тўлдирувчи) қайси бирини мазмунан ажратиб кўрсатмоқчи бўлса, ўша бўлақни кесим олдида қўллайди ва у бўлақ алоҳида интонация билан талаффуз қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тўлдирувчи, ҳол каби бўлақлардан қайси бири бўлмасин, кесимдан орқага кўчирилган экан, албатта кесим маъно жиҳатдан бўрттирилган бўлади. Кесимдан орқага ўтган бўлақ эса кучсизланади (агар орқага кўчирилган тўлдирувчининг аниқловчиси бўлса, у ҳам тўлдирувчи билан бирга кўчади).

Экспрессивлик мақсадида воситали тўлдирувчи кесим олдида ўтказилади. Бу ўзгариш ўз навбатида воситасиз тўлдирувчининг ё ундан олдинга, ёки кесимдан кейинга ўтиб қолишига сабаб бўлади. Воситасиз тўлдирувчининг ўрнида кучишдаги ҳар иккала ҳолат ҳам деярли бир – биридан фарқ қилмайди; иккала ҳолатда ҳам воситасиз тўлдирувчи маъно жиҳатдан унча аҳамиятга эга бўлмаган бўлақ саналади.

Инверсияда шундай қоида қатъийки, кесим ўз ўрнидан кўчар экан, бошқа бирор бўлақ эмас, албатта, кесимга эътибор кучайтирилган

бўлади. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам кесим орқага эмас, олдинга кўчади. Олдинга кўчиш эса прогресс бўлиб, прогресс, ўсиш, ортиш, кучайиш каби тушунчалар орасида объектив боғланиш бор.

Шундай қилиб, гапда тўлдирувчининг маъноси ажратиб кўрсатиш эҳтиёжи туғилса, уни фақат кесим олдига (ундан кейинга эмас) кўчирилади.

Тўлдирувчи – кесим инверсияси фикрни эмоционал тарзда ифодалаш учун хизмат қилади. Айниқса, воситасиз тўлдирувчи ва шахс буйруқ феъли биноан ифодаланган кесим орасидаги инверсия экспрессивликни акс эттиришда энг актив воситалардан биридир: Hands up! Raise your hands! каби.

Сўзларнинг кўчма маъносида тузилган конструкциялар экспрессивлик учун инверсия қилинмайди. Сабаб, фикрни фразеологик birlikлар воситасида берилишининг ўзи экспрессивлик. Масалан: Open your eyes! Be alert! Бу ерда гапнинг экспрессивликка бой бўлган эквивалентидир. Шунинг учун у инверсия қилинмайди, тўғрироғи, инверсия қилишга эҳтиёж бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни айтиб ўтиш мумкин:

Инверсия фақат бир гап бўлаги доирасида юз беради, лекин унинг ўрнида кўчиши бошқа бир бўлакнинг ҳам ўридан кўчишига сабаб бўлади, натижада икки бўлак орасида инверсия юзага келади.

Ҳар қандай инверсияда ҳам (эга – кесим, тўлдирувчи – кесим, ҳол – кесим) эмоционаллик кесимга нисбатан бўлади. Чунки ҳар қандай инверсияда кесим олдинги позицияга ўтади. Олдинга кўчиш фақат кучайишга олиб келади. Орқага кўчган бўлак ҳеч қачон маъно жиҳатдан кўчаймайдигина эмас, кучсизланади. Тўлдирувчи, ҳол каби бўлаklarнинг олдинга кучиши деганда унинг кесим олдига (унга препозитив) кўчирилиши тушинилади.

Инверсия термини одатдаги тартибга нисбатангина қўлланади, яъни бу икки ҳол нутқ формаси ўз моҳияти эътибори билан бир – бирини инкор этмайди: одатдаги тартиб нормал ҳол бўлиб, инверсия тартиб онормал ҳол эмас. Инверсив тартиб ҳам маълум стил учун «одатдаги» тартибдир. Инверсив тартиб эмоционал – экспрессив нутқ формаси сифатида хизмат қиладиган стилистик категориядир.

- *I throught you had one. When we first came.*
- *No women here.*
- *Get up till. I embrace you.*
- *Not now, not now.*

- *I was always lucky, always was.*
- *Up went she. Doun went he!*
- *It`s the books you read.*
- *I was you who brought it.*

(J. D. Salinger 52.)

“Yer welcome to it”. Sealon told him, it`s condemned hough. Ain`t woth a light.

Бу мисолда биз фонетик ва орфографик (yer) , грамматик (Ain`t woth), фонетик, орфографик (ain`t), синтактик (Yer welcome) кузатилган. Нормада эса *you are welcome* бўлиши керак эди.

No, she was adamant, but I`ll lek yer soon

Бу гапда ҳам катор фонетик (lek, yer), орфографик (lek, yer), грамматик (lek) каби чекинишлар кузатилган. Булар ҳам чаласавод сўзловчининг норасмий стилда сўзлаган нутқини характерлайди.

Are you goin ter get down one aren`t you?

Бу мисолда ҳам қатор фонетик (Going, ter), орфографик (going, ter). Нормани бу соҳаларининг бузилиши сўзловчининг тил компетенциясининг аҳволи хақида аниқ тасаввур бериб турилган.

Кишиларда нутқ маданияти малакасини тарбиялаш, бу соҳада сезиларли ва фойдали натижага эришиш учун нутқ маданияти ҳодисасининг ўзини илмий асосда чуқур ўрганиш талаб этилади. Аммо ҳозирги кунда нутқ маданиятини тушуниш ва тушунтириш ҳамда уни текширишнинг илмий аспектларини белгилаш борасида фанда бир фикрга келингани йўқ. Бунга сабаб, нутқ маданияти деб номланган лингвистик соҳанинг тилшуносликда махсус бўлим сифатида ўз илмий методини хали аниқ белгилай олмаганлигидир. Шу туфайли ҳам нутқ маданиятининг тушунилиши ва урганилиш аспекти аниқлаш, улар орасидаги боғлиқлик ва фарқли томонлар, белгиларни ойдинлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, «нутқ маданияти» тушунчасининг мазмуни анча мураккаб факторлар билан алоқадорлигини айтиб ўтиш лозим. «Нутқ маданияти» термини ҳозирги давр тилшунослари талкинида уч хил ҳодисанинг номидир:

- 1) маданий нутқ тушунчаси;
- 2) маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи илмий проблема;
- 3) нутқ маданияти проблемаларини ўрганиш билан махсус шуғулланувчи соҳа, тилшунослик фани бўлими.

Ана шу учта ҳодиса умумий тарзда нутқ маданияти деб юритилмоқда. Аммо бу ҳодисалирни бир – бири билан қориштириш мумкин эмас. Демак, нутқ маданияти термини билан юритилаётган ҳодисани тушуниш ва тушунтиришда шу уч ҳодисани ҳисобга олиш лозим бўлади. Уларнинг ҳар бири ўзининг мураккаб кўринишларига, қирраларига эга.

Маданий нутқ тушунчасини олайлик. Бу ҳодиса адабий нутқнинг шаклий хусусиятига кўра икки кўринишга эга: а) ёзма нутқ (ёзма адабий нутқ) ва шунга кўра ёзма нутқ маданияти; б) оғзаки нутқ (оғзаки адабий нутқ) ва шунга кўра оғзаки нутқ маданияти.

Баъзан нутқ маданияти тушинчаси тилнинг функционал кўринишлари, нутқнинг услубий ва жанр хусусиятларига кўра ҳам конкрет номланади: сахна нутқи маданияти, лектор нутқи маданияти, публицистик нутқ маданияти, оммавий нутқ маданияти...

Ёзма нутқ маданияти ва оғзаки нутқ маданияти деб номланиш шунчаки формал бўлиниши бўлмасдан, аслида нутқнинг бу икки кўринишининг ўзаро сезиларли, фарқли томонларига эгаллиги натижасидир.

Маданий нутқ тушунчаси ўз мазмунига кўра, яъни ўз моддий базаси, материали жиҳатдан икки муҳим томоннинг узвий боғлиқлигидан иборат: 1) нутқ маданияти аввало лингвистик тушунчадир, яъни у тил билан боғлиқ, тил (нутқ) ҳодисасидир;

2) нутқ маданияти экстралингвистик тушунчасидир, яъни тилдан, тил материалдан ташқари бўлган бошқа ҳодисалар билан ҳам боғлиқдир. Чунончи, маданий нутқнинг ахлоқ – одоб билан, гўзаллик, бадийлик, мазмунли ва таъсирчанлик тушунчалари билан, изчиллик, ўткирлик, нутқий чечанлик, психологик ҳолатлар билан боғлиқ томонлари – логика, этика, эстетика, психология, социология, педагогика фанларидан олинади, ўша фанлар эришган ютуқлар асосида изоҳланади, талқин этилади. Шу сабабли ҳам кўпгина тадқиқотчилар нутқ маданияти соҳасининг илмий текшириш методи аралаш (симбиоз) характерда бўлиши лозим деб ҳисоблашади. Тилшунос С.К.Евгароф фикрича, нутқ маданияти тушунчаси бу соҳада жуда муҳим бўлган

билиш назарияси таълимоти эгаллаш нуқтаи назаридан философия, логика, тарих, психология, этнография билан ҳам алоқадордир⁵.

Баъзи олимлар ишларида эса, ҳатто «психологик нутқ маданияти» тушунчаси ва термини ишлатилади ва ушбу тушунча шундай изоҳланади: «Бошқача қилиб айтганда, оғзаки нутқни камол топтириш

учун яна психологик маданият ҳам лозимдир... психологик нутқ маданияти, биринчидан, нутқнинг мазмунли, иккинчидан, тушунарли, учинчидан, ифодали, тўртинчидан таъсирчан бўлишига хизмат қилади¹.

Нутқ маданияти тушунчаси баъзи авторлар томонидан икки тадрижий, сифатий босқич тарзида талқин этилмоқда. Бундай қарашга кўра, маданий нутқ икки томонга, икки кўринишга эга:

а) тўғри нутқ; б) нутқ маданияти (нутқий маданият).

Ушбу тушунчалар мазмуни ҳақида Л. И. Скворцов баён этган фикрлар характерлидир: «Баён қилинган қарашларда (ортологик ва коммуникатив нуқтаи назарлардаги) камчилик ва фикрий зидликлар «тил (нутқ) маданияти» деб юритилаётган умумий тушунчани адабий тилни эгаллашнинг ва ўрганишнинг икки босқичи ҳисобланувчи «тўғри нутқ» ва «нутқ маданияти» қисмларига ажратилган тақдирда янада ойдинлашган бўлади.

Now come down for a bit, my owd duck. Becouse my showders is a china. p. 28

Бу ерда бир қатор чекинишларни кузатамиз. Яъни, оддий тилда айтганда фонетик, грамматик хатолар мавжуд, яъни old сўзи талаффузи ҳам, ёзуви ҳам нотўғри берилган, яъни owd шаклида. Худи шундай, *shoulders* сўзи ҳам *showders* тарзида берилган, ундан ташқари, бу

⁵ К. Евграфов, О культуре речи, М., 1958, стр. 4.

ерда мослашув ҳам бузилган, яъни, shoulders are, ўрнига showders is дейилган.

Yot a car? Haton asked. p. 30.

Бу ерда ҳам айрим хатолар бор, яъни, ёрдамчи феъл have ҳамда эга you тушириб қолдирилган. Бу эса нормадан чекинишларнинг оғзаки нутқда кузатиладиган тилни кўринишидир.

It might are been them if they did but know it. p.30

Бу ерда ҳам берилган ундош тушириб қолдирилган ва have ўрнига are деб ишлатилган.

Бу ҳам гапирувчининг қоидани бузиши унинг шошилиб тургани, услубининг норасмийлиги ва тинглаш принципига амал қилишга мойиллик бўлганлиги билан изоҳланади.

I wish you was y dead, she murmured.

I wish everybody was dead. p. 38.

Бу ерда грамматик нормадан чекинишлар кузатилган, яъни норма буйича шарт майлида to be феъли were шаклида бўлиши керак эди, аммо гапирувчи етарли нутқий компетенцияга эга бўлмаганлиги учун was шаклида ишлатилди.

Are them wluppit yourn? She asked question. p. 38.

Бу гапда икки ҳолатда нормадан чекиниш ҳолати кузатилмоқда, биринчиси them сўзи those шаклида бўлиши керак эди, аммо гапирувчи етарли тил компетенциясига эга эмаслиги учун, these ни them га ва yours ни yourn га айлангириб қўллаган.

I'll tie `em up soon an` tek`em back `ome. p. 39.

Бу гапда ҳам нормани бузиш ҳолати беш марта кузатилмоқда.

Биринчи ва тўртинчи ҳолда them сўзи `em шаклида, and сўзи an` шаклида, take сўзи tek шаклида, home сўзи `ome шаклида ишлатилган. Бу эса гапирувчининг тил компетенциясининг аҳволидан далолат бериб турибди.

Нутқ маданиятидаги илк босқич (қуйи даража) нутқнинг туғрилигидир. Нутқнинг туғрилиги адабий тил ва унинг нормаларини эгаллашдир.

Нутқ туғрилиги, моҳият эътибори билан мактаб таълими предметидир. Ўрта мактаб программаси, умумий тарзда, туғри нутқ малакасини шакллантиришни кўзда тутуди (кўпроқ грамматика соҳасида).

Адабий тилни эгаллашнинг иккинчи юқори босқичи тўла маънода нутқ маданиятидир. Нутқ маданияти ҳақида адабий тилни ўрганиш борасида ҳам, нутқнинг туғрилиги (яъни адабий тил нормаларини эгаллаш) борасида ҳам гапириш мумкин. Аммо нутқ маданияти босқичида тилнинг вариант воситаларини баҳолаш ва улардан фойдаланиш бошқачароқ бўлади, яъни: яхши, ёмон, аниқ, ўринсиз каби мезонлар...⁶

Юқоридаги фикрларга қўшиладиган бўлсак, нутқ маданияти тушунчаси фақат туғри, равон тил эмас, балки нутқий маҳорат, нутқий чечанлик ҳамдир.

Нутқ маданияти ҳодисасини келтирилган ҳолатда, яъни соддароқ ва мураккаб жараён сифатида тушуниш ва талқин этиш бошқа муаллифларда ҳам учрайди. Аммо нутқ маданиятининг содда ва мураккаб босқичлари бир ҳодисанинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки қисми, нутқ босқичсиз юзага келолмайди, иккинчидан эса нутқ маданиятининг ўзи нутқий туғрилик демакдир.

Тилшунос Т. А. Дегтереванинг талқинига кўра, нутқ маданияти тушунчаси бир – бирини тўлдирувчи икки компонентдан иборатдир⁷.

⁶Сб. «Актуальные проблемы культуры речи», М., Изд – во «Наука». 1973, стр. 83 – 85.

⁷ Т. А. Дегтерева, Становление норм литературного языка, 1963, стр. 171 – 172.

Ушбу ҳодисаларни у шундай тушунтиради: «Нутқ маданияти ушбу тушунчани аниқловчи икки компонентдан иборатдир. Улардан биринчиси – тўғрилик. Тўғрилик нутқ маданиятининг энг керакли ва биринчи шартидир ва у Костомаров ёзганидек, «нутқнинг муайян давр адабий тили нормаларига қатъий ва тўлиқ мос келишини, унинг орфоэпик, имловий, луғавий ва грамматик нормаларини моҳирона эгаллашни кўзда тутди». Бироқ, нутқ маданияти тушунчаси, нутқий тўғрилик тушунчасидан кенгроқдир. Шунга кўра, адабий тил нормаларигагина сўзсиз мос келувчи, яъни ҳар қандай тўғри нутқ маданий нутқ деб тан олинмаслиги мумкин.

Нутқ маданияти тушунчасининг иккинчи муҳим компоненти сифатида яхши нутқ тушунчасини ёки услубий сезгирликни олдинга суриш мумкин... Яхши нутқ тўғри вариантлар орасидан энг фойдали, намунали вариантни танлаб олишни талаб этади. Яхши нутқ шароит тақозосига кўра тил воситаларидан мақсадга мувофиқ ва моҳирона фойдалана олишни кўзда тутди. Яхши нутқ талаблари нутқий тўғрилик билан биргаликда нутқ маданиятининг асосий шартларини юзага келтиради». Демак, нутқ маданияти тушунчаси бу аввало тўғри, шу билан бирга, яхши сўзлаш, яъни маданий нутқий процесс демакдир. Аммо маданий гапириш учун нутқда хизмат қилувчи маданий воситалар, яъни аниқроқ маданий тил воситалари лозим бўлади. Шунга кўра айтиш мумкинки, маданий нутқ икки фактор асосидагина юзага чиқа олади: а) маданий тил (адабий тил) воситаларининг мавжудлиги; б) ушбу маданий тил воситаларидан гапирганда ёки ёзганда мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш.

Келтирилган икки омил асосида нутқ маданияти ҳодисаси ҳам, бизнингча, икки тил талқин қилиниши ва номланиши лозим бўлади:

1. Тил маданияти;
2. Нутқ маданияти ёки сўзлаш маданияти.

Нутқ маданияти тушунчасини тил маданияти ва сўзлаш маданиятига ажратиш тилшуносликда изчиликка эга эмас. Умуман бу икки тушунча, асосан, бирга ёки қориштирилган ҳолда нутқ маданияти ёки тил маданияти термини билан юритилмоқда. Демак, бу ҳолда тил маданияти термини нутқ маданияти терминига эквивалент бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам, биз нутқ маданияти номи билан умумий тарзда юритилаётган тушунча (ҳодиса) даги икки ҳолатни тил маданияти ва нутқ, яъни сўзлаш маданиятини фарқлаш тарафдоримиз. Нутқ маданияти тушунчаси ва термини келтирилган икки ҳодиса учун умумий тасаввур ва умумий ном тарзида тушунилиши мумкин. Хўш, тил маданияти тушунчаси нима?

Тил маданияти тушунчаси нутқ маданияти соҳасида тил системасининг ўзини, масалан, ўзбек адабий тилининг восита ва имкониятларини силлиқлашни, «маданийлаштиришни» кўзда тутди. Демак, тил маданияти термини билан аталувчи тушунча тил системасининг маданийлик даражасини, яъни унинг қанчалик ишланганлигини, нормаланганлигини кўрсатади. Прага лингвистик тўғараги аъзолари 1930 йилларда нутқ маданияти тушунчасини фақат ушбу аспектда тушунган ва у билан ушбу маънода шуғулланган ва тушунтирган эдилар. Шунингдек, рус тилшуноси Г. О. Винокур ҳам нутқ маданиятини фарқлашга интилган. Чунончи, у «Культура языка» асарида тилшунос Ферденанд де Соссюрнинг лингвистик, бир томондан, нутқий процесс, сўзлаш ҳақидаги фан эканлиги юзасидан айтган мулоҳазаларига мурожат қилади.¹

Г. О. Винокур тил (нутқ) маданиятини, кенг маънода стилистика деб тушунган. Ушбу соҳа, унинг уқтиришича, тил воситалари ҳамда тил воситаларидан мақсадга мувофиқ, шароит тақозосига кўра турлича

фойдалана олиш хақидаги таълимотдан иборатдир. Г. О. Винокурнинг кишилар орасида «тўғри йулга қўйилган лингвистик тарбия» ва халққа «умумий оммавий стилистик онг – билим бериш» хақидаги ғоялари юқоридаги мулоҳазаларги асосланган эди»⁸.

He don`t bite – that bat, does he? p. 41

Бу мисолда ҳам феълнинг шахс – сонда тусланиши бузилган, яни *he doesn`t* нинг ўрнига *he don`t* дейилган. Бу ҳам шу турдаги грамматик нормани бузилишини типик кўриниши берилган.

Don`t be too long or we`s`ll keep Horold. Waiting at the chirch and that`d never do. p. 43

Бу ерда ҳам грамматик форманинг ясалишда гиперкоррект чекиниш кузатилган, яъни *we`s`ll* каби сунъий формалар пайдо бўлишига олиб келган, яъни *we* олмоши ўзи кўплик шаклда бўлса- да унга *-s* кўплик кўшимчаси қўшилган.

I think he will. There`s two sides to every story. p. 61

Бу гапда ҳам эга ва кесимнинг грамматик мослашуви нормаси бузилган, яъни кўплик отга бирлик сондаги феъл ишлатилган.

Тил маданияти термин ва у билан юритилувчи ҳодиса бир қатор олимлар томонидан тилнинг ўзи, тилнинг воситалари билан (нутқ билан эмас), яъни тил системасини такомиллаштириш ва силлиқлаш билан алоқадор тушунча сифатида изоҳланади

Чунончи, С.Абакумов 1929 йили шундай ёзган эди: «Нутқ маданияти» термини «техника речи» термини авваллари ишлатилган

⁸ Г.Винокур, Культура языка, Москва, «Федерация», 1929, стр. 29.

²Сб. «Актуальные проблемы культуры речи», М., Изд – во «Наука». 1973, стр. 101.

«нутқни ўстириш» термини ўрнида алмашиб қўлланмоқда. Аммо «нутқ маданияти» тушунчаси «нутқни ўстириш» тушунчасидан кенгдир»⁹.

Тил маданияти тушунчаси ўз моҳиятига кўра анча мураккаб ҳодиса, лингвистик процессдир. Биринчидан, тил маданияти маълум адабий тил соҳасидаги маданийлик учун кураш тарихини, бундаги шаклланиш, ривожланиш жараёнларини кўрсатади. Масалан, ўзбек адабий тилининг тил маданияти совет даврида ушбу жараёнларни ўз бошидан кечирди. Чунончи, ўзбек адабий тилининг диалектик базасини белгилаш, унинг алфавит ва имлосини такомиллаш; бу соҳадаги нуқтаи назарлар кураши, адабий тил лексикасидаги ўз сўз ва чет сўзларга муносабат масаласи, терминологик системани белгилаш борасидаги қарашлар мунозараси ва бошқалар; бу соҳада ўзбек тилшунослигида олиб борилган илмий ва амалий ишлар ўзбек адабий тилининг системасини такомиллаш – тил маданияти учун кураш эди. Ҳозирда ўзбек адабий тили анча шаклланган, силлиқлашган алфавит ва орфографияга, стабиллашган, лексик ва терминологик, грамматик системага эга экан, буларнинг барчаси ўзбек адабий тил системаси маданиятининг ривожини, камолоти натижаларидир.

Иккинчидан, тил маданияти адабий тилнинг муайян даврдаги маданий тил сифатидаги камолот даражасини ҳам англатади. Бу маънода тил маданияти ҳаракатлар натижасида адабий тил соҳасида эришиб турилган ҳолатни ифодалайди. Демак, тил маданияти маълум адабий тилнинг маданийлик даражасига, яъни етарли нормаланган ва сайқал берилган тил даражасига эришган ҳолати ҳамдир. Ушбу ҳолат адабий тилнинг такомиллашган, сўзлаш ва ёзиш маданияти талабларига жавоб бера оладиган даражада қайта ишланган системасини ўзида мужассамлаштиради.

⁹ Журнал «Русский язык в школе», 1929, № 1, стр. 82.

Шундай қилиб, нутқ маданияти термини учта ҳодиса учун умумий ном бўлиб қолади:

1.Тилшуносликнинг маданий нутқ тушунчасини ўрганувчи соҳаси номи.

2.Тилнинг ўзини, яъни тил, унинг лексик, морфологик, синтактик, фонетик, орфоэпик, орфографик, стилистик системаларини силлиқлаш, такомиллаштириш билан алоқадор тушунчани ифодаловчи ном, яъни тил маданиятининг атамаси.

3 Кишиларнинг адабий тилдан оғзаки ва ёзма нутқда ўринли, яъни саводли тарзда фойдаланиши билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи маданий нутқий жараённинг номи, яъни нутқ (сўзлаш) маданияти.

Демак, нутқ маданияти реал лингвистик ҳодисанинг умумий номи сифатида икки тушунчани ўз ичига олади: а) тил маданияти; б) нутқ, яъни сўзлаш маданияти.

Биз нутқ маданияти тушунчасини ҳозирги традицион маънода иккига ажралиб: тил маданияти ва нутқ маданияти деб талқин этамиз. Аммо биз иккинчи ҳодисани (нутқий процесс билан боғлиқ ҳолатни) сўзлаш маданияти термини билан аташни таклиф этамиз. Демак, бу ҳолда нутқ маданияти термини, бир томондан, адабий тилнинг, унинг воситаларининг маданийлик ҳолати билан боғлиқ тушунчани англатувчи тил маданиятининг ва конкрет маданий нутқий процесс ва унинг талаблари билан алоқадор бўлган сўзлаш маданиятининг умумий номи бўлиб қолади.

Сўзлаш маданияти термини икки компонентли ҳодисанинг номидир, яъни у нутқ формасига кўра оғзаки нутқ маданияти ва ёзма нутқ маданияти тушунчаларини ўз ичига қамрайди.

Умуман, кенг маънодаги лингвистик ҳодиса – нутқ маданиятида тил маданияти биринчи элементдир. Чунки тил маданиятисиз, яъни маданийлашган, нормаллашган тилсиз маданияти бўлиши мумкин эмас.

Бошқача айтганда, «маданий тил» (тил маданияти)ни, яъни адабий тилни вужудга келтирмасдан туриб индивидуал нутқни маданий қилиш ҳақида ўйлаш ўринсиздир. Аммо қайд этиш керакки, нутқнинг, сўзлаш маданиятининг ўзи ҳам жонли процесс сифатида тил маданиятининг такомил учун катта таъсир кўрсатади. Тил маданияти эришган натижалар, яъни адабий тил воситалари индивидуал ва коллектив нутқ процессида синовдан ўтади. Тил маданияти тақдим этувчи кўпгина воситалар сўзлаш маданияти талаблари жараёнида инкор қилиниши ёки маъқулланиши мумкин.

Shall you have one, duck. p. 40.

Бу гапда грамматик норма бузилган, яъни will ўрнига shall ишлатилган, бу нарса гапирувчининг бу икки ёрдамчи феълнинг қайси бири қаерда ишлатилиш ҳақида аниқ бир тасаввурга эга эмаслигидан далолат бериб турилди, гарчи гапирувчи учун инглиз тили она тили бўлса ҳам.

He just don`t like me to smoke, that`s all. p. 40.

Бу мисолда ҳам гапирувчи учинчи шахс бирлик сондаги олмошнинг ҳозирги замонда кесим билан мослашиш қоидасини бузганлиги кўриниб турибди. Яъни he doesn`t ўрнига he don`t дейилган.

Shall you wait for me? p. 41.

Бу ҳолатда ҳам гапирувчи shall / will феълларининг ишлатилиш кўлами ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаганлиги учун иккинчи шахсдаги эга олмошга биринчи шахсда қўлланиладиган феълни қўллаган.

Демак, тил маданиятининг кўпгина томонлари нутқий процесс тажрибалари туфайли такомиллашиб, ўзгариб, ривожланиб боради. Адабий тил нормаларидан ўзгаришлар аслида ушбу қонуниятни кўрсатади. Қисқаси, тил маданияти ва сўзлаш маданияти аслида бир ҳодисанинг — нутқ маданиятининг икки томони бўлиб, диалектик

бирликдадир. Шундай қилиб, биз таклиф этаётган биринчи термин нутқ маданияти соҳасидаги адабий тилни такомиллаштириш билан алоқадор тушунчани англлатса, иккинчиси ушбу такомиллашган адабий тилдан, унинг воситаларидан кишиларнинг ўринли, маданий фойдалана олиши масалаларини ўрганиш ва ўргатиш билан боғлиқ тасаввурни билдиради. Аммо кўп ҳолда нутқ маданияти ва тил маданияти терминлари фарқсиз қўлланиб келмоқда. Баъзи ишларда фақат тил маданияти термини ишлитилса, кўп ҳолларда 1920 – 1930 йиллардан бери улар параллел ҳолда ишлатилиб келинганини қайд этиш мумкин. Хатто ушбу терминларнинг қўлланишида ҳозирда ҳам маълум конкретлилик йўқ.

Тил маданияти ва нутқ маданияти терминларининг синоним тарзида ишлатилаётганини В. Г. Костомаров ҳам қайд этади. Унинг фикрича, тил маданияти терминларини ўзаро фарқлаш лозимдир.

Шундай қилиб, биз нутқ маданияти соҳасида учта ҳодисани фарқлаш ва маҳсус номлаш тарафдоримиз: биринчидан, адабий тил системасининг маданийлик даражасини – тил маданиятини, ушбу система, воситаларидан мақсадга мувофиқ, яъни маданий фойдаланиш жараёнини – сўзлаш маданияти (оғзаки нутқ маданияти ва ёзма нутқ маданияти) ва ниҳоят учунчидан келтирилган ҳар иккала ҳодисаларни бирлаштирган ҳолда илмий текширувчи соҳани – нутқ маданияти. Нутқ маданияти термини билан аслида сўзлаш маданияти деб юритилаётган ҳодисани номлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. У ҳолда тил маданияти ва нутқ маданияти (сўзлаш маданияти ўрнида) ҳодисаларни умумлаштирувчи ва тилшуносликда ҳозирда мустақил лингвистик соҳа деб тан олинаётган илмий тушунчага бошқа бир ном топиш лозим бўлиб қолади.

II-боб буйича хулосалар

1. Гапда сўзлар тилларнинг грамматик қонун-қоидалари асосида бирикади ва шу қоидаларга мос ҳолда муайян тартибда, изчилликда жойлашади. Бу гап бўлақларининг одатдаги тартибидир, тилнинг икки тараққиёт қонунлари заминида маълум система солинган нормасидир.

2. Экспрессивликни ошириш ёки сўзловчининг интенциясидан келиб чиққан ҳолда нутқда гап бўлақларининг одатдаги тартиби нормадан чекиниш натижасида инверсия вужудга келади.

3. Тилда ҳеч қандай сабаб ва мақсадсиз умумий қоидадан чекиниш ҳодисаси бўлмагандай, гапда одатдаги тартибини ўзгариши ҳам тасодифий ҳодиса эмас. У нутқнинг таъсирчанлиги, экспрессивлиги, эмоционаллиги каби мақсадлар учун хизмат қилади

4. Айрим индивид нутқида содир бўлган нормадан чекинишлар сўзловчининг тез гапириши жараёнида айрим товуш ёки сўзларни ёки бўғинларни тушириб қолдириши оқибатида юзага келади .

5. Нутқда тил грамматик нормаларининг нукт акти ўрни, мақсади, иштирокчиларининг маълумоти, саводи, маданийлашганлик даражаси ва шу каби бошқа социолингвистик параметрларга боғлиқ.

6. Тил нормаларининг бузилиши тилнинг барча қатламларида: фонетик қатламда, грамматик структурада, луғат таркибида, стилистик аспектида ҳам содир бўлиши мумкин.

7. Тил фонетик нормасининг бузилиши қуйидагилар:

- a) ундошлар талаффузини бузиш.
- b) унли товушлар талффузини бузиш.
- c) сўзлар урғуси ўрнини ўзгартириш.
- d) гап интонациясини бузиш.

- е) товушлар узун-қискалигига риоя қилмаслик.
- ф) нутқ тезлиги, тембр ва бошқа просодик характери бузиш.
- қ) палатализацияга йўл қўйиш.
- һ) бошқа нокерак фонетик жараёнларни амалга ошириш.

8.Тил морфологик нормасининг бузилиши куйидагиларда кузатилади:

- а) отлар кўплик шаклини тўғри ясай олмаслик.
- в) отлар ва феълларни тўғри мослай оласлик.
- с) артиклни тўғри ишлата олмаслик.
- д) феъл асосий шакллари тўғри ясай олмаслик.
- е) феъл мураккаб замонларини тўғри ясай олмаслик.
- қ) ёрдамчи феълларини яхши куллай олмаслик.
- һ) модал феълларини тўғри иккилантириш.
- и) нутқ ёрдамчи феълларни тушириб қолдириш.

9.Тил синтактик нормасининг бузилиш ҳолатлари куйидагиларда кузатилади:

- а) гап бўлақларининг тартиби бузилади.
- в) сўроқ гаплар ясашда ёрдамчи ёрдамчи феъллар тушириб қолдирилади.
- с) гапда эга ва кесим тушириб қолдирилади.

Ш. Грамматик нормадан чекиниш ҳолатларининг функционал таҳлили.

3.1. Диалогларда нормадан оғиш ҳолларининг табиати.

Диалог, асосан, сўзлашув нутқиға хосдир. Шунинг учун ҳам диалогни кандайдир умумий темада сўзлашувчи икки ёки ундан ортиқ шахснинг суҳбати маъносида тушунилади. Оғзаки сўзлашувда узундан – узоқ жумлалар учрамайди, яъни фикр имкони борича ихчам баён қилинади. Чунки жонли сўзлашувда сўзлардан ташқари ёрдамчи компонентлар сифатида экстралингвистик факторлар: нутқ сўзланаётган вазият, муҳит, мимика, жест, суҳбатлашувчи томонларнинг суҳбат темаси буйича умумий маълумотлари, тажрибалари кабилар ҳам иштирок этадики, мазкур омиллар гап структурасида маълум бўлакларнинг эллипсисга учраши учун имконият вазифасини ўтайди. Гап структурасидаги айрим бўлакларнинг бундай айтилмай тушиб қолдирилиши кенг маънода ситуация билан боғлиқ бўлгани учун, бу ҳолатдаги тушиш ситуатив эллипсис деб юритилади.

Ситуатив эллипсис ҳамма вақт диалогик нутқ доираси бўлади. Лекин бу диалоглардаги репликалар шаклидаги гап структурасида ситуатив эллипсиснинг содир бўлиши диалогга боғлиқ ҳолда келиб чиқади, дейилгани эмас. Яъни гап реплика шаклида бўлгани учун бирон – бир бўлаги тушириб қолдирилмайди, балки мазкур туширилмоқчи бўлинган бўлакнинг маъноси нутқ обстановкиси, ситуатциядан англашилари бўлгани учунгина у бўлак тушириб қолдирилади. Ситуатция экстралингвистик – объектив ҳодисадир. Диалог эса субъектив ҳолатда воқе бўлади. Шундан келиб чиқса ҳам, диалогдаги ситуатив эллипсис экстралингвистик ҳодиса натижасида келиб чиққан,

деб қаралади. Яъни ситуатив эллипсис диалогик нутқда содир бўлса ҳам, содир бўлиш сабаби диалог эмас.

Масалан, бирон киши бир жойда ўтириб ҳеч қандай ҳаракатсиз *Look!* деса, эшитувчи мутлақо ҳеч нима тушунмайди. Агар сўзловчи ҳовли томонгами ёки бирор бошқа буюмгами қўли билан ишора қилиб туриб *Look!* деса, эшитувчи сўзловчининг ишорасидан ифодаланмаган сўзни тушуниши ва мазкур ситуатив эллипсисли структурага эга бўлган гапни, масалан, *Look at the yard!* шаклида қабул қилиши мумкин. Ёки автобуснинг келиши кўпчилик томонидан сабрсизлик билан кутилаётган бир пайтда кимдир *I has come* деса, эшитувчилар, албатта, мазкур ситуатциядан келиб чиқиб *the bus has come* шаклида қабул қилаверадилар. Аммо мазкур ситуатциядан ташқарида мазкур гаплар тушунарсиздир. Шунинг учун ҳам жонли сўзлашувда ҳаракат билан ифодаланувчи фикр ёзув билан текстда изоҳланади.

Нутқ вазияти эса ёзувчи томонидан тасвирланади, драматург томонидан автор ремаркаларида баён қилинади. Масалан:

- *Ain`t nothing the matter with us. We just telling you `bout the gentleman who came to see you this afternoon.*

- *What he want?*

- *Ain`t that right?*

- *He said the one thing they don`t have, that they just dying to have out there is a fine family if colored people.!*

- *Yeah! He left his card. –*

- *In case. (L. Hansberry, “A Raisin in the sun. p. 6.)*

Тилнинг асосий хусусияти унинг коммуникация воситаси эканлигидир. Коммуникатив алоқа эса, албатта, икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасида бўлади. Шунинг учун ҳам диалог нутқнинг илк формасидирки, тил тараққиётининг дастлабки босқичларида кишилар ўз сўзлашувларида ситуатция, жест, мимика ва шу каби

экстралингвистик воситаларга суяниб, ниҳоятда кам сўз билан фикр ифодалаганлар. Демокчимизки, диалог тил тараққиётининг қанчалик ихчамлиги, соддалигини, эмоционаллигини таъминловчи восита сифатида тил тараққиётининг шунчалик илк стадиялар билан боғлиқдир.

Диалогларда, экстралингвистик факторлардан ташқари, контекст, яъни нисбатан бошловчи реплика ғоят муҳим роль ўйнайди. Ана шу контекстга суянилган ҳолда айрим бўлақлар тушириб қолдирилади. Шунинг учун гап структурасидан бирон – бир бўлақ туширилишининг имконияти нуқтаи назаридан экстралингвистик факторлар, яъни ифодаланмаган бўлақ учун компенсация саналган омилларга суяниб тушириб қолдиришдан фарқлаган ҳолда, бундай туширишни контекстуал эллипсис, деб юритилади.

Диалогларда, кўпинча, олдинги репликаларда айтилган сўзлар кейинги репликаларда қайтарилмайди. Чунки жонли тилда фикр ифодаси учун мутлоқ зарур бўлмаган ҳамма нарсани тушириш тенденцияси кучли. Аммо бошловчи репликадан олинган ҳолда навбатдаги репликалар тушунарсиздир. Яъни, навбатдаги репликаларда контекстуал эллипсис содир бўлиши учун биринчи, бошловчи репликанинг мавжуд бўлиши имкониятдир. Бошқача айтганда, маъно тугаллиги ва коммуникациянинг тўлиқлигини айрим олинган репликалар эмас, балка мазкур репликаларнинг қўшилмаси – муайян диалогик бирлик ифодалайди¹⁰. Масалан, *So, what?* ифодаси мутлақо тушунарсиз. Агар бутун диалогик бирлик ичида бўлса, гап нима ҳақида эканлиги аён бўлади.

- *Mama, what are you doing?*
- *Fixing my plant so it won't get hurt none on the way.*

¹⁰ А. Ғ. Гуломов, Кўрсатилган асар, 90 – бет.

- *Mama, you going to take that to the new house?*

- *Un – huh–*

- *That ragged – looking old thing?*

- *It exprenes me.*

- *So there. Miss thing.* (L. Hansberry. p. 8)

Лекин бошловчи репликада мазкур контекстуал эллипсисга учраган бўлақлар мавжуд бўлгани учун, иккинчи репликада нимани? сўзининг ўзи предикативликни ифодалай олади. Бинобарин, ушбу диалогик бирликда, диалогик реплика занжирида ҳам маъно томондан, ҳам репликалар структураси нуқтаи назардан зич боғлиқлик бор. Айни пайтда кейинги репликалар бошловчи репликага тобедир, яъни бошловчи репликаларсиз кейинги репликалар мутлақо маъносиз. Шу маънода бошловчи репликани ҳоким реплика дейиш мумкин. Шунинг учун ҳоким репликада деярли барча ҳоларда контекстуал эллипсис содир бўлмайди. Аммо шуни айтиш керакки, нутқ жараёнида (диалогда) экстралингвистик факторлар иштирок этса, яъни ситуатив эллипсис содир бўлиш имконияти туғилса, ситуатив эллипсис асосан бошловчи (ҳоким) реплика структурасида содир бўлади. Куйидаги мисолга эътибор берайлик:

- *Walter – Now?*

- *Everybody talking, `bout heaven ain`t going there:*

- *Oh. – I`ll good, you –*

- *Oh, she was pretty good today.*

- *Hot dog! Yo, Mama.*

- *We ain't finished packin` yet, Bennie. You ain't packed one book.*

(*L. Hansberry. p. 7*)

Демак, ҳолатларда бошловчи реплика тўлиқсиз структурага эга бўлади. Аммо эътибор қилинса, иккинчи жавоб репликада ҳам эллипсис содир бўлганини кўриш мумкин. Бироқ иккинчи репликада эллипсиснинг содир бўлиши учун ситуация эмас, балки бошловчи репликанинг мавжудлиги имконият вазифасини ўтаган. Кўринадики, муайян бир диалогик бирликда бир пайтнинг ўзида ҳам ситуатив, ҳам контекстуал эллипсис содир бўлиши мумкин экан.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, диалогни бошловчи репликадан кейинги репликаларда фақат фикрий жиҳатдан биринчи ўринда турган, алоҳида таъкидлаш керак бўлган бўлаккина айтилади ва алоҳида таъкидланишни талаб қилмайдиган, логик жиҳатдан у қадар муҳим бўлмаган бўлақлар тушириб қолдирилади.

Юқорида айтганимиздек, контекстуал эллипсисларнинг содир бўлиши кўпроқ савол – жавобдан иборат бўлган диалогларнинг жавоб репликасида кузатилади. Масалан:

- *We were too early.*

- *Too early for what?*

- *Everything you do is suggestive!*

- *Suggestive of what?*

- *All that time; all that lovely time. I was waiting for something.*

- *What for?* (*L. Hansberry. p. 85*)

Сўроқ репликаларнинг структурасига эътибор берилса, уларда *Where? When? How many? How much?* каби сўроқ олмошлар қатнашганлигини кўриш мумкин. Жавоб репликаларда эса фақат мазкур сўроқ олмошларига жавоб бўлвчи бўлаккина сақланиб, ундан ташқари ҳамма бўлақлар эллипсисга учраган. Яна шуни ҳам айтиш

керакки, сўроқ реликаларидаги *When? How many?* сўзлари мазкур гап структурасида логик урғули бўлаклардир. Шунга мос равишда жавоб репликаларда ҳам логик жиҳатдан биринчи ўринда турган бўлак (логик урғули бўлак) сақланиб қолиб, ундан бошқалари тушириб қолдирилади.

Баъзан сўроқ реплика таркибида сўроқ олмошлари бўлмаса, мазкур репликадаги урғули сўзнинг ўзи жавоб репликада қайтарилади ва бошқа мантиқан зарурий бўлаклар эллипсис учрайди. Масалан:

- *Don`t you ever get a bit fed up?*
- *Fed up? What with?*
- *And I was mad at Jake.*
- *Mad at Mr. Meighon? What about.*

* * *

- *What is it?*
- *Matches.*
- *Matches?*
- *Yes.* *(J. D. Salinger. p. 84)*

Мисоллардаги биринчи диалогнинг сўроқ репликасидаги логик урғули бўлак кесим вазифасидаги *Really?* сўзи, иккинчи диалогда логик урғули бўлак кесим вазифасидаги *Have you seen it?* иборасидир. Чунки сўроқ юкламаси ҳамisha сўралмоқчи бўлган фикрни ифодаловчи сўзга, яъни логик урғули сўзга қўшилади. Сўроқ репликасида худди ана шу логик урғули сўздан бошқа ҳамма мантиқий зарурий бўлаклар эллипсисга учраган.

Хозиргача қўрган мисолларимизда диалогик бирликнинг компонентлари иккидан ортиқ бўлиши ва компонентлар структурасида эллипсис кузатилиши мумкин. Масалан:

- *And what did he reply?*
- *That he`d see.*
- *That he couldn`t promise anything.*

- *That he would have to think it over.*
- *In the quiet of his home.*
- *Consult his family.*
- *His friends?*
- *His agents.*
- *His correspondents?*
- *His books.*
- *His bank accurents. Before taking an decision.*

(J. Stenbeck. p. 75)

Бу диалогик занжирни бошловчи реплика – компонентидан кейинги барча реплика – компонентларнинг структураси учун эллипсис содир бўлганлиги характерлидир. Диалоглар савол – жавоб репликалардан иборат бўлганда жавоб репликаларда бош бўлақларнинг ҳам, иккинчи даражали бўлақларнинг контекстуал эллипсисга учраши аниқ. Бунда жавоб репликада ё эга, ё кесим, ё тўлдирувчи ва ҳоказолар сақланиб қолиши ҳам учрайди.

А) Жавоб репликада фақат кесим сақланиб қолади. Бошқа бўлақларнинг ҳаммаси эллипсисга учрайди:

- *Un wrap that picture please!*
- *Sure.*
- *Ye, don` t know me, that`s it.*
- *Mebbe.*
- *Cornelius, you free right now?*
- *Certainly, yes.*
- *Did you send me that?*
- *Actually, yes.*
- *Ye`re getting thin`s all mixed.*
- *No, I hain`t.*

(J. Stenbeck. p. 74)

Б) Жавобда репликада фақат эга сақланиб, қолган бўлақлар эллипсисга учрайди:

- *Whom did you give the letter?*
- *An old man.*

В) Жавобда репликада фақат тўлдирувчи сақланиб, қолган бўлақлар эллипсисга учрайди:

- *Did you hear, Tom?*
- *What?*

Г) Жавобда репликада фақат аниқловчи сақланиб, қолган бўлақлар эллипсисга учрайди:

- *What faculty do you study at?*
- *English Philology.*

Д) Диалогик бирликнинг компонентларида ҳол вазифасини бажарган сўзгина сақланиб қолиб, бошқа мантиқан зарурий бўлақлар тушиб қолади:

- *Water!*
- *No, wine.*
- *The first, now;*
- *Another.*
- *Burns, Andrew.*
- *Burns?*
- *Your bloody saint, the poet.*
- *I know. He`s a poet but –*
- *Recite him, man, go on, get up there and recite!*

(J. Salinger. p. 93)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, диалогик бирлик компонентлари структурасида исталган бўлақ эллипсисга учраши мумкинлигини айтиш асосли бўлади.

Диалоглардаги бундай эллипсислар, албатта, стилистик талаб билан содир бўлади. Аниқки, диалог репликаларининг тўлиқ структурага эга бўлганлари билан эллиптик структуралари бир – биридан стилистик жиҳатдан кескин фарқ қилади. Яъни, диалог компонентларининг биринчисидаги бирча бўлақларнинг иккинчи компонентда тўла такрорланиши ҳазил, киноя ва шу каби субъектив муносабатларини ифодалаш мақсади билан боғлиқдир. Аксинча, мазкур бўлақларнинг такрорланмаслиги, яъни эллипсисга учратиб юборилиши ифодаланаётган фикрга эмоционаллик, динамиклик беради. Шунинг учун ҳам Ш. Балли; «Гапда (в высказывании) сўзнинг роли хис ролининг ортишига пропорционал равишда камайиб боради», деб ёзади. Қуйидаги диалог бу фикрларни исботлайди:

- *Silence everybody, your attention please, gentlemen;*

- *Kindly don't waste my time!*

- *Drey sit down.*

- *I've got a few sandwiches.*

- *What sort of sandwiches.*

- *Cheese.*

* * *

- *I'm glad to see you back, I thought you were gone for ever.*

- *Me too.*

* * *

- *But you can't see a thing in this place, can you Toddy?*

- *Not a thing.*

- *So you're down here on holiday?*

- *A short one.*

Демак, диалогларда ситуатив ёки контекстуал эллипсиснинг содир бўлиши, албатта, бирон – бир стилистик талаб билан боғлиқдир.

Хуллас, инглиз тилида диалогларда эллипсис содир бўлади ва бу ҳолат, асосан, сўзлашув нутқида кузатилади. Диалоглардаги эллипсис қўйидаги моментлар билан характерланади.

1. Нутқ вазияти, ситуация, жест, мимика ва шу каби экстралингвистик факторлар олдин ё кейин турган компонент имконият вазифасини ўтайди ва бундай тушиш ситуатив эллипсис деб юритилади: лекин унинг содир бўлиши диалогга боғлиқ эмас.

2. Диалог компонентларида айрим бўлақларнинг тушиб қолиши учун олдин ё кейин турган компонент имконият вазифасини ўтайди; бундай тушиш контекстуал эллипсис деб юритилади.

3. Контекстуал эллипсис ҳамиша бошловчи репликадан кейинги репликаларда содир бўлади. Ситуатив эллипсис бошловчи репликада ҳам содир бўлиши мумкин.

4. Контекстуал эллипсиснинг содир бўлиши учун логик урғу характерлидир.

5. Диалог савол – жавобдан иборат бўлганда, сўроқ репликада сўроқ олмошлари бўлиши ва жавоб реплика мазкур сўроққа жавоб бўлувчи биргина сўздан иборат бўлиши мумкин. Сўроқ омоши бўлмаганда, баъзан мазкур репликадаги логик сўз жавобда такрорланади.

6. Диалогда ҳар қандай бўлақ эллипсисга учраши мумкин.

7. Диалогларда ҳам эллипсислар, албатта, бирон – бир стилистик талаб билан содир бўлади.

8. Кўриниб турибтики диалоглар нормадан чекинишлар учун жуда қулай нутқ шакли ва вазиятидир.

3.2. Нутқда гапнинг лексик жиҳатдан тўлдирилишида рўй берадиган чекинишлар

Сўзлашув нутқида гап ўзининг қурилиши билангина эмас, балки синтактик структураларнинг лексик жиҳатдан тўлдирилиши билан ҳам ёзма ва адабий сўзлашув тилидан катта фарқ қилади. Бу нарса оғзаки сўзлашув нутқида сўзларнинг ишлатилишда тил нормаси томонидан қуйиладиган чекинишлар сунъийроқ бўлиб сўзловчига кенг имконият берадики, ёзма нутқда ишлатилиши бутунлай мумкин бўлмаган сўз ва иборалар кенг қўлланиши кузатилади. Қуйида биз сўзлашув нутқида содда ва қўшма гапларда ишлатиладиган турли сўз ва ибораларнинг структурал, семантик ва функционал томондан таҳлил қилиб чиқамиз.

Услубий ёки стилистик нуқтаи назардан олганда улар турли қатламларга тегишли бўлиши мумкин, уларни стилистик жиҳатдан умумий нейтраль сўзлар гуруҳига ҳамда махсус луғат таркибига кириши мумкин.

Услубий жиҳатдан белгиланган сўз ва ибораларнинг сўзлашув нутқида ишлатилишни таҳлил қилсак қуйидаги 3 катта гуруҳга бўлиш мумкин.

- 1) фақатгина фонетик шаклини, яъни талаффузини ўзгартирадиган сўзлар.
- 2) шакл ва маъносини ўзгартирадиган сўзлар.
- 3) сўзлашув нутқида ишлатиладиганда ҳам шакл, ҳам маъносини ўзгартирадиган сўзлар.

Биринчи гуруҳга қуйидаги сўзлар мисол бўла олади.

S`long (so long) – хайр, куришигунча

S`right (that`s right) – тўғри

Lemma (let me) – рухсат беринг

Gimme (give me) – менга беринг

Kinda (king of) – ... га ухшаш

Gonna (going to) – ... килмокчи

Im (him) – уни, унга

Ud (would) – ёрдамчи феъл

`kew (thank you) – рахмат

Wi` (with) – билан

T` (to) – ... га

I dunna (don` t know) - мен билмайман.

Баъзи ўринларда муайян бўғинлар тушиб қолдирилиши мумкин.

- *`cos (because)* - чунки.

Кўп ҳолатларда « h » ҳарфи тушириб қолдирилади.

Масалан:

**ave (have) – эга бўлмоқ*

**eaven (heaven) - фалак*

**im (him) – уни, унга.*

Сўз таркибидаги айрим товушлар ўзгариши мумкин.

Gals (girls) – кизлар

Nawh (now) – hozir, энди

Yeh (yes) – ха

Aiu fella (old fellow) – ёши ката йигит.

Қуйидаги диалогда биз сўзлашувчилар томонидан фонетик қоидаларнинг бузилиши ҳолатларини кузатамиз.

- *Yuh gotta wife, hain` t you?*

- *Yes, replied. Cowperwood.*

- *Well, the rules there are that yer wife or yer friend. Kin come to see you once in three months and yer lawyer – yuh gotta lawyer, hain` t yuh?*

- *Yes, sir, replied. Cowperwood, amused. –*

Well, he kin come every week or so if he likes... there hain` t no rules about lawyers the warden` ll come and git yuh and give yuh yer regular

all. Summer`s down stairs. Yuh kin make up yer mind by that time what y`u`d like fuh do, what y`u`d like to word at. (Th. Dreiser)

- *Сизнинг хотинингиз боми?*

- *Ха, жавоб берди. Каупервуд.*

- *Хўш, бу ернинг қонун қондаси буйича сизнинг хотинингиз ёки дўстингиз сизни ёнингизга 3 хафтада бир марта келиб кетиши мумкин, сизнинг адвокатингиз эса.... Айтгандек, адвокатингиз борми?*

- *Ха, жаноб, деди Каупервуд кулимсираб*

- *Яхши, у хохласа, хар хафта келиши мумкин, адвокатлар учун ҳеч қандай қоида йуқ... Коровул (кузатувчи) ёнингизга келади ва пастдаги жойлардан сизнинг доимий иш жойингизни таъминлайди.*

- *Унгача сиз нима иш қилишингизни уйлаб, бир қарорга қилишингиз мумкин.* (Т. Дрейзер)

Бу парчада саводсиз шахс нутқи намунасини кўриб турибмиз. У ерда «can» урнига «kin» ва бошқа қатор нотўғри шаклдаги сўзларни учратамиз. Масалан: yuh (you), git (get), yer (your), summers (somewhere), tuh (to). Бу парчада грамматик қоидаларнинг бузилишини кўраамиз.

Yuh gotta lawyers (have you got a lowyer). Hain`t yuh? (haven`t you?)

There hain`t no rules (there aren`t any rules).

Сўзлашув нуқтада биз болалар нутқи намуналарини ҳам топамизки, унинг характерли хусусиятларидан бири кўплаб қисқартиришларини ишлатилишидир.

Масалан: doc (doctor) – шифокор, telly (television) – телевизор, fridge (refrigerator) – холодильник, littleurs (little ones) – кичкинтойлар, biguns (big ones) – катталар.

Болалар сўзлашув нутқининг яна бир хоссаси бу кичрайтирувчи суффикслардан кўп фойдаланишдан. Масалан: *beastie* (*beast*) – маҳлуқ, *milkie* (*milk*) – сут, *pussy* (*cat*) – мушук, *bunny* (*rabbit*) – куён, *titter* (*sister*) – опа (сингил) ва ҳ.к.

Иккинчи гуруҳда биз қуйдаги каби сўз ва ибораларни учратамиз: *crammer* (*cram* – сўзидан олинган бўлиб у сўз имтиҳон учун бошни турли фактлар билан тўлдирмоқ маъносини билдиради) – бирор нарсани ёдловчи.

Oldie (*the old song*) – эски қўшиқ, *tenner* (*tenpound nofe*) – 10 фунтлик қоғоз пул.

Қуйидаги сўз ва ибораларда янги маънолар кашф этилишига эътибор беринг.

Back number – қолоқ одам, эски урфдаги нарса ёки услуб.

Strap – hanger – автобусда тик турган одам.

Get the axe – ишдан бўшатилмоқ.

Colt – тажрибасиз ёшлар.

To ache – he ached to be free – у озодликка чиқишни жуда ҳоҳлар эди.

Турли аффикслар ёрдамида ясалган янги сўзларни ҳам иккинчи гуруҳга киритамиз. Масалан, салбий баҳони англатиш учун ясалган отлар.

Gawky – лапашанг ва бесўнақай одам.

Hussy – ёмон хулқли, тарбиясиз қиз.

Cully – гўл, содда, гўсхур, лаққа тушадиган.

Hussy – қадри паст аёл, нархи арзон аёл.

Noddy – нодон одам, ахмоқ, телба.

Spoony – ахмоқ, нодон, тентак, галварс.

Quickie – арзон гаров, саёз, расво фильм.

Starveling – ўта озгин одам, скелет.

Wordling – махмадона, серган, вайсақи одам.

Footing – нодон, махлуқсифат, телбанамо, девона, ёмон, вахший қилиқлари билан ажралиб турувчи одам.

Hickster – чайқовчи, олиб сотар.

Medicoster – одамларни табиблик ёки медицина йули билан даволовчи одам, табиб, ҳаким.

Poetaster – савияси паст шоир, маддоҳ.

Giglet – беҳаё, ўзини тута олмайдиган, енгил табиат, осонгина кўнадиган киз.

Princelet – кичик шахзода.

Куйидаги отлар эса ижобий маъно билдиради.

Dolly – хушсурат, жозибадор аёл ёки жувон.

Purru – мағрур, бурни кўтарилган, гўддайган йигит.

Nesfling – кичик қушча, палапон.

Куйидаги сўзларни 3 – гуруҳга киритишимиз мумкин.

- *I like his get up. (I like his way and manner) – менга унинг ҳатти – ҳаракатлари, ўзини тутishi ёкади.*

- *Let me know how you come out. (Let me know the results) – натижалари хақида менга хабар бер.*

- *He was getting along in years. (he was growing old) – у қариётган эди.*

- *It really gets me when he giggles like that. Унинг мана шундай кулиши менинг асабимга тегади.*

- *Please, get some sleep tonight – илтимос, кечаси бироз ухлаб олинг.*

The bullet go him the belly – ўқ унинг қорнига тегди.

Бу гапларда “get” ва “come” феъллари ўзларининг луғавий маъноларида ишлатилмай балки контекстуал маъноларда қўланилмоқда.

Қуйида кўриб чиқиладиган сўз ва ибораларда маъно кўчиши ҳодисаси руй берадики, унда сўзнинг дастлабки луғавий маъносидан оғзаки нутқда ишлатилган пайтда асар ҳам қолмаслиги ҳам мумкин. Масалан:

so winchester schoolboys may “sport a thike” (oversleep) – ухлаб олмок. (эрталаб)

thamps crump (to steal) – уғирламок, ўмармок, кўзни шамғалатмоқ.

motion lofion (fuel) – ёнилғи, бензин.

smokey beazer (police woman) – миршаб аёл.

bricks and morfar (daughter) – қиз бола.

bath bun (son) – ўғил бола.

skin and blister – она ёки сингил.

sauceran lids (kids) – болалар.

trouble and strife (wife) – хотин.

booze – арақхўрлик қилмоқ.

Буларнинг айримлари слэнг иборалари таркибига киради ва айрим мавзулар слэнг сўз ва идиомалар ишлатилиши нуктаи назардан жуда долзарб кўринади. Масалан:

money (brass, dough, mint, lolly ва ҳ.к.)

head (noodle, dump, block, loaf, attic, hat, nut, peg ва ҳ.к.)

drunk (slewed, sloshed, plasfered, half – cut)

nonsense (bally hoo, piffle, cobblers, guff)

Сўзлашув нутқида ишлатиладиган слэнг иборалар жуда экспрессив бўлади, масалан: drag сўзи слэнг да зерикарли, секин,

ноқизик ва қийин нарсаларни билдиради. Масалан: *It`s a long drag* – Жуда узоқ ва зерикарли саёҳат.

What a drag it is to have to get up early – Эрталаб барвақт туриши жуда расво иш!

Bread – basket – Оиқозон.

To do a flit – Уй хақини тўламасдан кечқурун қуён бўлмоқ.

Cradly snatcher – Ёш аёлга уйланган қари, кекса одам, чол.

Window – shopping – Хеч нарса сотиб олмасдан дўкондаги нарсаларни фақат томоша қилиши учун кириши.

A big – head – Мақтанчок.

Go crackers – Ақлдан озмок

Belt up – Жим бўлмоқ, сукут сақламоқ.

Give me a buzz – Менга қўнғироқ қил!

A lecher – Хукуқ факультетида ўқишига тайёргарлик кўраётган талаба.

A big – gun – Муҳим одам.

An egg – Тажрибасиз учувчи.

He is a fly boy – Айёр, хийлакор одам.

What a dull dog! – У тажрибасиз одам.

If I buckle down, I can learn it – Агар мен қаттиқ уринсам, бунни ёдлай оламан.

If you offered me the job, I`d jump at it – Агар сиз менга иш таклиф қилганингизда, мен уни тезда қабул қилар эдим.

He was a great gas – У жуда кўп бефойда ва зерикарли нарсалар хақида гапирди.

I`ll brain you – Мен сенинг таъзирингни бериб қўяман. Мен сенинг эсингни киритиб қўяман.

To put on a bag – Ўлдирмоқ.

Сўзлашув нутқининг энг характерли белгилардан бири бу шева сўзларининг ишлатилишидир. Нутқ акти норасмий ситуацияда кечаётган бўлса, сўзловчи беихтиёр шевага ўтиши ва унда гапириши мумкин. Масалан, қуйидаги гапларга эътибор беринг.

Bung f`im a lood of old moody and stick`im in the land of promise –
Унга телефон рақамингни бериб бирор нарса ваъда қилгин.

Put us in for a cows. I`ve done me poppy and the linens reckon the favourite`ll walk it – менга бир оз пул бериб тургин. Мен ўз пулларимни ютқазиб қўйдим, газеталарда ҳам фаворит ютиб чиқиши хақида ёзилган.

III-боб бўйича хулосалар.

Юқорида зикр этилган мулоҳазаларни умумлаштириб шуни таъкидлаш мумкинки, тилларнинг граматикасини тарихий типологик тадқиқ этиш учун лексик ва синтактик категорияларнинг мазмунини ифодаловчи морфологик кўрсаткичларини билиш айниқса зарурдир. Агар лексик составда сўзларнинг муносабати морфологик лексикага тегишли формаларни ифодалай олса, унда сўзларнинг муносабати сўз бирикмалари ва бўлақларини ифодаловчи формалар морфологик синтактикасига тегишли бўлади. Тил нормасининг нутқда бузилиш кўпинча норасмий стилда кўпчилик сўзловчилар томонидан кузатилса бундай ҳолатлар саводсиз ёки чаласавод сўзловчилар нутқида доимо кузатилади. Тил нормасидаги нутқда чекинишлар ҳам ўз табиатига эга бўлиб, улар тизимий яъни системик характерга эгадир. Нутқий зарурият туфайли кесими ифодаланмаган тўлиқсиз гапларнинг эгаси атоқли отлар билан ифодаланган бўлса, ҳамда савол репликалар махсус сўроқ ва бўлишли формада берилган бўлса хар иккала структура изоморфлик /ўхшашлик/ мавжуд. Уларнинг таржимаси ҳам бир-бирга мос келади:

Who goes to the attack? - Жангга ким боради?

Bersaglieri - Берсалъерлар.

Баъзан таржимада инглиз тилида кесими ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар ўзбек тилига таржима қилинганда эгаси ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар шаклида берилади; бу нарса нормадан чекинишдир.

Please, move the knee - Марҳамат, тиззангизни букинг.

I can 't - Буколмайман.

Инглиз тилида буйруқ гапларга берилган жавобларда асосан кесимнинг бир қисми ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар орқали берилган бўлса, улар эгаси ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар билан берилади. Бунинг асосий сабаби инглиз тилида жавоб репликаларидаги эга билан кесимнинг бир қисми модел ва боғлама феълларнинг бирикиб кетиши билан англатиладиган тўлиқ фикр берилган.

Умумий хулосалар.

Ҳозирги замон тилшуносликда барча йуналишлар учун бир хил ва умумий бўлган, асосан структура ва модель, босқич ва ярус, система, грамматик ва лексик категория, фонема, формант ва ҳоказо учун лингвистик терминалогия бир хил бўлмаганлиги туфайли бу асосий тушунчаларнинг асл маъноси ва уларга тўғри келувчи терминларни ушбу тадқиқотда белгилаб ўтиш лозим. Структура – кичик системалар (подсистема) ва системалар ёки уларнинг йиғиндиси алоқасининг тараққий шартланган бирлиги бўлиб, у тилнинг ёки айрим тил birlikларининг (гаплар, сўз бирикмалари, сўзлар) қурилиши архитектуроникасини харак-терлайди. Тилнинг структураси тилдаги барча босқичларнинг аниқ ва тартибли ўзаро боғланишини кўрсатувчи фарқланиш белгиларининг йиғиндисиди акс этган тарихий birlik билан изоҳланади. Гапнинг структураси уни ташкил этган барча

элементлар ва улар ўртасидаги муносабат билан изоҳланувчи фарқланиш элементлари йиғиндисида акс этган тарихий шартланган бирликдир. Модель ҳар хил поғонадаги (энг конкретдан энг абстрактгача) бирор тил структураси унинг бирор босқичи ёки тилнинг у ёки бу босқич микроструктурасининг умумлаштиришдаги типологик анализ бирлигидир: тилнинг модели, синтактик, морфологик, фонологик, лексик структурасининг модели, гап, сўз бирикмасининг модели, сўзнинг морфологик, лексик, фонологик структурасининг модели.

Тилнинг босқичи ва яруси тил структурасини шартли равишда аналитик бўлишидир. У тилнинг асосий кичик структурасидан бири бўлиб бир – бири билан ўзаро маълум боғланиш ва иерархия муносабатида органик боғланган фарқланиш белгиларининг йиғиндисини ва тилдаги асосий бирликларнинг функционал қонунларини ифодалайди: синтагматик ёки синтактик босқичи; фонемик ёки фонологик босқичи; морфема ёки морфологик босқичи; семиотик ёки семасиологик босқичи. Система бир – бирига буйсундирилган ва умумий қонуниятлари, тилдаги форма ва маънонинг боғланишини тақазо этувчи элементларнинг ва бирликларнинг йиғиндисидир. Масалан синтагмалар системаси (Сўз бирикмалари ва гап синтагмасининг кичик системаси), морфемалар системаси (ўзак ва аффиксал морфемаларнинг кичик системаси), фонемалар системаси (унли ва ундош фонемаларнинг кичик системаси) ва ҳоказо.

Бошқача қилиб айтганда нормадан чекинишлар тилнинг барча қатламларида кузатилади.

Фонетик қатламда тил нормаларининг бузилиши қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- а) тил унли ва ундош товушлар талаффуз нормасини бузишлар, уларда микдорий ва сифат ўзгаришларини амалга ошириш.

b) нутқни интонацион расмийлаштириш қодаларини бузиш.

c) нутқда турли фонетик жараёнларнга йўл қўйиш, яъни:

палатилизация, аспирация, редукция, протеза, эпенгега, метотеза ва шу кабиларни нутққа олиб кириш.

Морфологик қатламда қуйидаги чекинишлар кузатилади :

a) отлар кўплик сон шаклларини нотўғри ясаш.

b) олмошлар турли разрядларини тўғри ишлата билмаслик.

c) артиклдан фойдаланиш кодаларини бузиш.

d) сифат даражаларини тўғри ясай билмаслик.

e) феъл асосий шаклларини тўғри ясай билмаслик.

f) феъл замон формаларининг тўғри қўллай олмаслик.

g) феъл аналитик ва синтетик формаларини тўғри ясай ва ишлата олмаслик.

Синтактик қатламда қуйидаги нормадан чекинишлар кузатилади:

a) гапдаги сўз тартибини бузиш.

b) эга ва кесим уртасидаги мослашувининг бузилиши.

c) гапда эга ёки кесимнинг тушириб қолдирилиши.

Лексик қатламда қуйидаги нормадан чекинишлар кузатилиши мумкин :

a) кераксиз ўринларда синонимларни қўллаш.

b) сўзлар маъносини кенгайтириш.

c) сўзлар маъносини стилистик жиҳатдан буёқланиши.

d) сўзлар маъносини стилистик жиҳатдан бўёқсизланиши.

e) сўзларнинг улар билдирган асосий луғавий маъносида эмас балки, бошқа маъноларда ишлатилиш.

f) фразеологик бирикмалар компонент таркибини ўзгартириш ҳисобига эмоционалликни оширишга уриниш.

g) фразеологик бирикмаларни идиоматик маъноларда эмас

балки уларнинг тўғри маъноларида ишлатилиш.

h) сўзларнинг ўрнига уларнинг стилистик жиҳатдан синоним бўлган сўзларни ишлатилиш.

i) варваризмлардан фойдаланиш.

Юқорида айтиб ўтилганлардан умумий хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тил системасининг турли яруслари, бирликларнинг нутқда кузатиладиган нормадан чекинишлар ҳодисасини атрофлича ва чуқур ўрганиш тил системаси, нормаси ва узус ўртасида алоқадорлик табиатини тушуниш тил тараққиётининг умумий қонуниятларини тушуниб олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. «Куч - билим ва маърифатда» 2003 йил. 7 май, «Маърифат» газетаси.. №37.
2. «Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Президентинг қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2012 й. 11 декабрь.
3. Каримов И.А.. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш –ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Т., “Ўзбекистон” , 2013, 31-32 бетлар.
4. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955, 482с.
5. Бархударов Л.С.и др. Грамматика английского языка . М., 1963, 450с.
6. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966, 212с.
7. Гальперин И.Р.Черкасская Е.Б. Лексикология английского языка. М., 1958, 328 с.

8. Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова... Научная конференция. Вопросы описания лексико-семантической системы языка. Тезисы докладов. Часть 1, М., 1971, 46-52 с.
9. Гухман М.М. Грамматическая категория и структура парадигм. В кн. "Исследования по общей теории грамматики". М., 1968 36-48 с.
10. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. Перевод с английского языка. М., 1959, 486 с.
11. Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970, 680 с.
12. Гринберг Дж. Некоторые грамматические универсалии, касающиеся преимущественно порядка значимых элементов. В книге: Новое в лингвистике. Т.У.М. 1970, 114-162 с.
13. Есперен О. Философия грамматики. 1958, 404 с.
14. Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. МГУ., 1976, 312 с.
15. Жигалдо В.Н. О переходности и непереходности глаголов в современном английском языке. Сб.Исследование по грамматике. Ученые записки ЛГУ. вып. 21.№ 180, т.9.Л., 1955, 23-30 с.
16. Жинкин Н. И. Речь как проводник информации М.1982. С.83
17. Иванова И.П., Бурлаков В.В., Почепцов Г.П. Теоретическая грамматика современного английского языка., М., 1981, 348 с.
18. Ильиш Б.А. Современный английский язык. М., 1948, 412 с.
19. Исаченко А. О грамматическом значении. ВЯ, 1961, 13-17 с.
20. Карашук П.М. Словообразование английского языка. М., 1977, 300 с.
21. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. М., 1972, 216 с.

22. Кодухов В.Н. Общее языкознание. М., 1972, с. 412-460
23. Колшанский Г.В. Проблемы универсалий языка. В кн. : Общее языкознание. Внутренняя структура языка., М., 1972, 412-460 с.
24. Кубрякова Е.С. Словообразование. В кн. : Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., Наука, 1972, 344-393 с.
25. Кубрякова Е.С., Мельников Г.П. О понятиях языковой структуры системы и структуры языка. В. : Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., Наука, 1970, 8-91 с.
26. Лопатин В.В., Улуханов И.С. О некоторых принципах морфемного анализа слов. -ИАН ОЛЯ, 1968, т.ХХ11, 3., с. 190 и след.
27. Медников Э.М. Значение слова и методы его описание. М., 1974, 218 с.
28. Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи, М.-Л., 1945, 450 с.
28. Маковский М.М. Валентные отношение в лексике . ИЯШ, 1968, № 6, 16-21 с.
29. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. М.1988. С.6.
30. Серебренников Б.А. Принципы описание языков мира., под общей ред., М., 1972, 412 с.
31. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка . М., 1956, 380 с.
32. Степанова М.Д. О “внешней” и “внутренней” валентности слова и ИЯШ, 1967, № 3, 16-20 с.
33. Суник О.П. Общая теория частей речи. М. - Л. 1966, 812 с.
34. Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив. Л., 1969, 400 с. Уч. Зап. ЛГУ. 1952, № 156 36-40 с.
35. Панфилов В.З. Взаимоотношение языка и мышление. М., 1971, 284 с.

36. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. 7-е изд., М., 1956, 511 с.
37. Реформатский А.А. Введение в языкознание. М., 1967, 540 с.
38. Смирницкий А.И. Лексическое и грамматическое в слове. В кн. : Вопросы грамматического строя, М., АН СССР, 1955, 11-53 с.
39. Смирницкий А.И. Морфология английского языка. М., 1959, 440 с.
40. Щерба А.В. Очередные проблемы языковедения. В. : Языковая система и речевая деятельность., Л., 1974, 46-54 с.

Хорижий тиллардаги адабиётлар

1. Curme G.Q. English Grammar. The Principles and Practice of English Grammer. N.Y., 1947, 540 p.
2. Jespersen O.A Essentials of English Grammer. London.1943. 400 p.
3. Jespersen O.A Modern English Grammer on Historical Priniples. London. 1954. 450 p.
4. English Grammar and Composition. N.Y., 1957 , 340 p.
5. Lees R.B.The Grammar of English Nominalization. J. A. L. vol, 26 № 3, 1960 , 23-32 p.
6. Morsberger R.B. Commonsense Grammar and Style. N.Y. 1965, 340 p.
7. Paul Roberts. Modern Grammar. N., 1968, 420 p.
8. Pence R.W.A Grammar of Present Day English, N.Y. 1947, 242 p.
“Study of slang as basic component of English Vernacular” Vologda, 1971
9. ”Strucural-semantic and social-stylistic peculiarities of English expressive Vernacular” Vologda, 1974
10. ”Three lectures on slang” Vologda, 1970
11. ”About special slang” Vologda, 1968

12. Galperin I.R. "Stylistics" Moscow, 1987
13. "Stylistics of the English language" Bobokhonova L.T. Tashkent, 1989
14. "About rhyming slang-questions on theory of English and Russian languages". Vologda, 1973
15. "Semantic-functional classification of American slang". Scientific notes of Leningrad State Institute of Teacher Training under the name of A.I.Gertsen. Volume 326. Part 2. 1971
16. "Functional classification of slang". Scientific notes of LSITT under the name of A.I.Gertsen. Volume 471. 1970
17. "About the term "slang" (It's history, origin) Scientific notes of LSITT under the name of A.I.Gertsen. Volume 352. 1970
18. "The analysis of adjective-substantive combinations of American slang". Scientific notes of LSITT under the name of A.I.Gertsen. Volume 33. 1967
19. "About two methods of formation of slang words of English language in American variant". Scientific notes of LSITT under the name of A.I.Gertsen. Volume 28. 1964
20. "Stylistically marked slang element in literary text". Scientific notes of LSITT under the name of A.I.Gertsen. Volume 491. 1972
21. "The analysis of Vernacular lexicon: classification of Reduplicative formations. Lexical bases of stylistics." Leningrad, 1973.
22. "The role of Vernacular elements in creation of comic effect in literary text. Questions of English contextology." Vologda, 1974
23. Curme G.O. English Grammar. The Principles and Practice of English Grammar Applied to Present-Day Usage. (Reprint) N.Y., 1966. Donellan K. Reference and Definite Descriptions-In: Semantics. Cambridge, 1971. P- 42-57.

24. Fillmore Ch.J. The Case for Case. -In: Universals in Linguistic Theory. N.Y.,1968.P- 62-83
25. Gordon E.M.,Krilova I.P.The Use of Articles in Modem English. M.,1964. P-67
26. Guirk R., Greenbaum S.A. A Consice Grammar of Contemporary English.N.Y. 1969.P- 217.
27. Helgander J. The Relative Clause in English and Other Germanic Languages. A Historical and Analytical Survey. Gothenburg, 1971. P- 184
28. Jakobs J.The syntax of focus and adverbials in German Nopic, focus, and configurationality -Amsterdam; Philadelphia, 1986.P-103-127
29. Jespersen O. A Modem English Grammar on Historical Priciples. Part 3,7 Syntax.Heidelberg.1972.
30. Kempson R.M. Presupposition and the Delimation of Semantics, Cambridge, 1975. P- 214
31. Kramsky J. The Article and the contact of Definiteness in Language. Language.The Hague-Paris, 1972. P-196
32. Kruisinga E. Erades P. An English Grammar.Vol.I. Accidence and Syntax. Groningen, 1953.
33. Kuno S. Some Properties of Non-refenetial noun Phrases.-In: Studies in General and Oriental Linguistics. Tokyo,1970. P- 56-73
34. Langendoen. The Study of Syntax. N.Y.,1969. P- 243.
35. Leech G. Swartnik K.J. A Communicative Grammar of English.- M.;1983. P- 304
36. Leech R. The Grammar of English Nominalization.(5th reprint) The Hague, 1968. P- 103
37. Leech R.B. The Constituent Structure of Noun Phrases.- In:American Speech.Vol. 36, №3,1961.
38. Manindra V. The Structure of the Noun-Phrase in English and Hindi. N.Y., 1965. P- 214

39. Nichols A.E. English Syntax. Advanced Composition for-Nonnative Speakers.N.Y., 1965. P- 276
40. Onions C.F. Modtm English Syntax. London,1965. P - 214
41. Palek B. Cross-reference: A Contribution to Hyper-Syntax -In: Travfux Linguistiques de Prague, Prague 1968. -P - 37- 49
42. Palmer A. Grammar of Spoken English. Cambridge, reprint),1969. P- 312
43. Pocheptsov G.G. Indisensible Attributive Adjuncts in English/ Lingua. International Review of general Linguistics Haarlem-Amsterdam, 1968,Vol.20, №1
44. Poutsma. A Grammar of Late Modern English, Groningen, 1904
45. Quirk R., Greenbaum S., Leech G., Svartnic J. A University Grammar of English-M., 1982. P- 391
46. Roberts P. English Senetences. N.Y.cjh.1962. P- 334
47. Smith C.S. Determiners and Relation Clauses in a Generative Grammar of English. In: Language. Vol.40, №1,1964.
48. Sorensen H.S. Word - classes in Modem English Copenhfgeg, 1958. P- 271
49. Studies in Syntax and Semantics. Dordrecht - Holland, 1969. P- 372.
50. Sweet H.A.New English Grammar. Part 2, Oxford.1931
51. Thompson S.A. The Deep Structure of relative Clauses.-In: Studies in Linguistic Semantics. N.Y.,1971. P- 67-88.
52. Vendler Z. Adjectives and nominalisations. Tne Hague-Paris, 1968. P-143
53. Vendler Z. Linguistics in Philosophy. Ithaca (N.Y.) 1968. P- 241

Бадий адабиётлар руйхати.

54. Aldridge J. The Last Inch.-In: Modern English short Stories. Moscow, Foreign Languages Publishing House, 1961.
55. Aldridge J. The Sea Eagle.-Kiev: Driepro Publishing, 1973.
56. Bisset D. The Reber of Words.-Ln: Once Upon a Time ... (English Faire Tale). Moscow, Progress Publishing, 1975.
57. Braine J. Room at the Top. Moscow, Languages Publishing House, 1960.
58. Byron G. The Complete Works.-London: Penguin Book,1996.
59. Cheever John. Selected Short Stories.- M.: Progress Publishing, 1980.
60. Christie A. Selected Stories. Moscow, Progress Publishing, 1969.
61. Christie A. Ten Little Nigers. London: Penguin Book, 1959.
62. Croinin A.J. Publishing the Citade House, 1963.
63. Doyle A.C. The Problem of The Bridge.- In: Modern English Short Stories. Moscow, Foreign Languages Publishing House, 1961.
64. Dreiser Theodor. The Stoic. –M: Languages Publishing House, 1962.
65. Galsworthy J. Over the River. Moscow, Foreign Languages Publishing House, 1960.
66. Galsworthy J. The White Monkey. – M.: Progress Publishing, 1976.
67. Gardner St. The Case of the Eaten Mink.- London: Penguin, 1985.
68. Greene G. Quiet American. Moscow, Foreign Languages Publishing House, 1963.
69. Hammett Dashiell. Selected Detective Prose.- Moscow: Paduga Publishers, 1983.
70. Hemingway Ernest. Fista.-M.: Международные отношения, 1981.
71. Kent Rockwell. It's Me O'Lord.- M.: Higher School Publishing House, 1978

